«БОЛАМНИ ЎЛДИ, ДЕМАНГ...» 7

12 «Postda» ва «На посту» ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ
VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 22 май, №21 (2876)

Ўғлим, руҳинг бўлмасин эзгин,
Сўнг адашиб юрма, мабодо –
Шоир бўлсанг тузуклаб ёзгин,
Мерган бўлсанг – ургин бехато!

Эргаш Жуманбулбул ўғли

Бек АЛИ коллажи

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:
t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press
facebook.com/UzArmiya
instagram.com/uzbekistanarmy

«БУГУН БУ ҚАҲРАМОНЛАР КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШАЁТГАН ФИДОЙИ ШИФОКОРЛАРИМИЗ, МАРД ҲАРБИЙЛАРИМИЗ, САХОВАТЛИ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ, ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРИМИЗ»

Президент Шавкат Мирзиёев 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюрди.

Бу борадаги режа 2017 йил 3 февраль куни мазкур боққа ташриф чоғида бегиланган эди. Ўша йили 18 апрелда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўтган вақт мобайнида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди.

Илгари бу ерда саноқли адибларимизнинг ҳайкаллари бор эди. Гўёки, Алишер Навоийдан сўнг истеъдодли шоирлар етишиб чиқмагандай таассурот пайдо бўларди.

Шу боис Адиблар хиёбонини ғоявий-бадиий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Огаҳий, Бердақ, Муқимий, Фурқат, Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Тўлепберген Қайипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари атоқли намояндалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадиий композицияда, мантиқий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюшмаси учун бино барпо этилгани ҳам ҳамоҳанглик касб этди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга ташриф буюриб, Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди. Хиёбонда амалга оширилган ишлар ва яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан учрашувда миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, галдаги муҳим вазифалар ҳақида сўз борди.

– Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда ижодкорларнинг асарлари доимий равишда чоп этиляпти. Энди уларни дунёга олиб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Масалан, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорларнинг асарлари хорижий тилларда нашр этилмоқда. Лекин бу ишлар таржимонларнинг ўз ташаббуси ва қизиқиши билан бўляпти.

Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ташаббускор бўлиши, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан биргаликда ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини турли тилларга таржима қилиб, нашр этиши зарурлиги қайд этилди.

Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

– Мана, «замонамиз қаҳрамонлари», деб кўп гапирамиз. Бугун бу қаҳрамонлар коронавирусга қарши курашаётган фидойи шифокорларимиз, мард ҳарбийларимиз, саховатли тадбиркорларимиз, ватанпарвар ёшларимиз. Уларнинг жасорати ҳақида ўқишни ҳаммамиз хоҳлаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги ёшлар интернетдан, электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланиши, лекин миллий адабиётимиз хазинасини интернетда тарғиб этиш яхши йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис Президентимиз «Адиблар хиёбони» деб номланган интернет портали ташкил этиш таклифини билдирди.

Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсатса, ундан хорижлик мухлис ва мутахассислар ҳам фойдаланиш имконияти яратилади.

Шу ерда олий таълим муассасаларининг адиблар ижодини ўрганиш бўйича тақдимотлари ўтказилди. Давлатимиз раҳбари хиёбон ёнида ташкил этилган кутубхонани ҳам кўздан кечирди.

БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Тошкентнинг Яшнобод туманида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 20 май куни ушбу муассасани бориб кўрди.

Қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси қўмагида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган Марказий Осиёда ягона ушбу турдаги болалар тиббиёт муассасасидир. Бу ерда йилига 1,5 мингдан зиёд ноёб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд.

Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 та ўринга эга, поликлиникада кунига 250 нафаргача бемор қабул қилинади. Марказ магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни бир неча йил олдин аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда фаолият юритиш учун 100 дан ортиқ врач ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди.

Жарроҳлик амалиёти ускуналарига махсус камера ўрнатилган бўлиб, бошқа шифохоналар ва олий таълим муассасалари операцияларни онлайн тарзда кўриб туриши мумкин. Замонавий технологиялар орқали масофавий тиббий кўриклар ҳамда консилиумлар ташкил этилади, даволашнинг таъсирчан усуллари муҳокама қилинади.

– Бу марказ – миллий бойлигимиз. Бу ерда болаларни малакали даволаш билан бирга замонавий телемедицина технологиялари асосида мамлакатимиз ҳудудларида ҳам юқори сифатли тиббий хизматларни ташкиллаштириш керак, – деди Президент.

Болалар медицинаси йўналишида инновацион изланишлар олиб бориш, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ва юқори технологик муолажаларни ташкил этиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари клиникада яратилган шароитлар билан танишди. Ситуацион марказда бўлиб, вилоятлардаги ва Жанубий Кореянинг Пусан университетидаги мутахассислар билан мулоқот қилди.

Ушбу марказ ёнида катталар учун ҳам замонавий клиника ҳамда олий ўқув юрти ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур муассасалар лойиҳаси тақдимот қилинди.

– Болалар ва катталар тиббиёт марказларининг ҳудудларда филиаллари бўлади. Шу орқали тиббиёт тизимининг ҳам илмини, ҳам амалиётини энг илғор стандартлар даражасига кўтариб оламиз, – деди Президент.

УЧ ПОҒОНАЛИ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧ ОЧИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида Оҳангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесишмасидаги йўл ўтказгични кўздан кечирди.

Охирги уч йилда Тошкент шаҳрида енгил автомобиллар сони 95 мингтага кўпайган. Ҳудудлардан пойтахтга келиб-кетаётган машиналар сони ҳам ошмоқда.

Шу боис кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш мақсадида ўтган 3 йилда 4 та йўл ўтказгич кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Оҳангарон шоссеси Тошкент ҳалқа йўлининг бир қисми. Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, ушбу йўлларда транспорт ҳаракати янада ортган эди. Ушбу кўчалар кесишмасида 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рўёбга чиқиб, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратди.

Мазкур транспорт ечими уч поғонадан иборат бўлиб, туннел узунлиги 593 метр, ҳалқа шаклидаги ўрта поғона 29 метр, эстакада қисми 502 метрни ташкил этади. Туннел ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса беш қаторли.

Илгари бу чорраҳа соатига 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатига 20 мингта транспорт воситасини узлуксиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу ерда светофор ишлатилмаслиги ҳам тўхтовсиз ҳаракатни таъминлайди.

Яна бир жиҳати – бу янги объект катта юкламани ўзига олиб, «Тошкент – Чимён» йўналиши бўйича масофани 22 километрга қисқартирди.

– Пойтахтда енгил автомобиллар сони янада кўпайиши аниқ. Шунинг учун эртанги кунни олдиндан кўриб, кўчаларни кенгайтириш, кўприклар қуриш ишларини давом эттириш керак, – деди Президент.

Объектда 170 та энерготежамкор ёритиш устунлари ўрнатилган, атрофда 15 минг квадрат метр майдон ободонлаштирилган.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ЯНГИЛАНИШ

ЯНГИЧА КЎРИНИШДА БЎЙ КЎРСАТАЁТГАН СИРДАРЁ

«Сардоба» сув омборининг ўпирилиб кетиши натижасида Сирдарё вилоятининг айрим аҳоли пунктларига зарар етганди, айни вақтда талафот оқибатлари жадаллик билан бартараф этилмоқда.

Ушбу нохуш воқеани эшитган ҳар бир юртдошимиз борки, имконият даражасида сирдарёликларга ёрдамга шошилдилар, оғир дамларда уларнинг дардига шерик бўлишди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг воқеа жойида бошпанасиз қолган юзлаб оилаларнинг ҳолидан бир неча марта хабар олиши талафотдан зарар кўрган Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманлари аҳолисига ўз вақтида кўрсатилган руҳий ҳамда амалий кўмак бўлди.

Воқеанинг дастлабки кунлариданоқ республикамизнинг бошқа вилоятларида истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз Сирдарё халқига саховат ва мадад кўмагини жўнатишни бошлаб юборишди. Бирин-кетин ўнлаб саховат карвонлари турли ҳудудлардан белгиланган манзилга етиб келди. Ҳукумат миқёсида зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар, Бош вазирнинг талафот оқибатларини бартараф қилиш комиссияси раҳбари этиб тайинланиши ҳам тушкун қалбларга малҳам бўлди.

Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Қурилиш вазирликлари, Миллий гвардия ходимлари ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳарларидан келган минглаб кўнгиллиларнинг бир ёқадан бош чиқариб амалга

ошираётган саъй-ҳаракатлари туфайли талафот кўрган туманлар аҳолиси қалбида эртанги нурли кунларга ишонч пайдо бўлди.

Айниқса, Ватан ҳимоячилари бўлган ҳарбий хизматчиларнинг жойларда амалга ошираётган ишларидан аҳоли ва қурувчилар мамнун эканлиги кузатилмоқда. Барча ҳарбий округлардан келган ҳарбийлар тозалаш ишларини тартибли ва тезкорлик билан олиб бориши натижасида қурилиш жамоаларининг қурилиш ҳамда таъмирлаш жараёнига киришиши учун имконият яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мудофаа вазири ҳамда бошқа тегишли мутасадди ташкилотларнинг масъул раҳбарлари талафотдан жиддий зарар кўрган Сардоба туманининг «Қўрғонтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, у ерда олиб борилаётган таъмирлаш ва тиклаш ишларини бевосита кузатишди. Маълумки, «Қўрғонтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида 166 та хонадон тураржойларини таъмирлаш ишлари ташкил қилинган. Мазкур таъмирлаш ишларига Марказий ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларидан келган қурувчилар ва кўнгиллилар жамоалари жалб этилган. Ўз навбатида ҳарбий хизматчилар, қурилиш ва кўнгиллилар жамоалари «Қўрғонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг ўз яшаш жойларига тезроқ қайтиши учун туну кун меҳнат қилишлари таъкидланди.

Эътиборли томони шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам Қўрғонтепага ташриф буюриб, таъмирдан чиққан дастлабки уйларни кўздан кечирганди. Давлатимиз раҳбари уй-жойларни хатловдан ўтказиш, тозалаш, таъмирлаш, том ёпиш, пардозлаш, бўёқлаш, жиҳозлаш, ҳовлиларни тартибга келтириш, ободонлаштириш, пол ишлари, девор ва қў-

шимча бинолар қурилиши, иситиш тизими, электр, ичимлик суви таъминоти бўйича лойиҳалар юзасидан керакли маслаҳатлар берди. Талафотдан кейин олиб борилган ишлардан сўнг ўз уйларига қайтган фуқароларга яратиб берилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Қисқа қилиб айтганда, Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида тошқиндан зарар кўрган йўллар, кўприклар, аҳоли тураржойлари қайтадан таъмирланмоқда, бунёд этилмоқда. Ўз навбатида бу каби эътибор бошпанасидан ажралган фуқароларда синовли кунларни тезроқ унутиб, келажакка ишонч билан қарашга ундаяпти.

Тез фурсат ичида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманлари нафақат Сирдарёда, балки бутун Ўзбекистон миқёсида янгича кўринишда бўй кўрсатишига ишониб қоламиз. Негаки, вилоятнинг бу туманларида бунёд этиладиган биноларда пойтахтнинг салаботи-ю, Фарғона водийси шаҳарларининг гўзаллиги, Самарқанд, Бухоро, Хоразмнинг тарихий анъаналарга уйғунлашган тимсоли ва бошқа вилоят ҳамда шаҳарларнинг таровати акс этиши, шуҳбасиз.

Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳарбий учувчиларига бағишланади.

ПЎЛАТ ЛОЧИНЛАР

Ватан сарҳадини англамас ҳар ким,
Ҳамма ҳам бу сўздан тортмайди сергак.
Ахир осмони тинч, ҳаёти сокин,
Шу бахтдан ортиқроқ яна не керак?

Айни дам фалакда учар пўлат қуш,
Унинг ваҳобати титратар танни.
Унда жавлон урар лочин Алпомиш,
Жон бериб, қон бериб асрар Ватанни.

Фазодан нигоҳин узмай бургутдек,
Халқин бахти учун тинмайди асло.
Кўкнинг қўрғонига удир жасур бек,
Само сарҳадига посбондир фидо.

Қишларида баҳор шивирлар юртим,
Мусаффо осмонинг асрар мард ўғлон.
Сенинг хизматингда бедормиз доим,
Пўлат лочинингмиз, учамиз ҳар он.

Подполковник Акмал ШИРИНОВ

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

МОСКВА МУДОФАА ЧИЗИҒИДА

Грузин кино ижодкори, режиссёр Резо Чхеидзе томонидан 1964 йили суратга олинган «Солдат отаси» фильми кўплаб кино мухлислари кўнглидан жой олган. Жангда яраланган ўғлини кўришга отланган Георгий Махарашвили кекса бўлишига қарамасдан, ҳаракатдаги армия сафига қўшилиб, фашистларга қарши жангларда иштирок этади. У Украина, Белоруссия ва Европани озод қилишда қатнашиб, Германияга кириб борди, аммо ўғлини тирик кўриш унга насиб этмайди. Кўплаб кино ихлосмандларининг севимли қаҳрамони Георгий Махарашвили образининг ҳаётдаги ўзбек прототипи бўлганлигини ҳамма ҳам билмаса керак.

Армия қўмондони К.К. Рокоссовский (чапдан учинчи), Ҳасан ота Исломов ҳарбий бошлиқлар ва Ўзбекистон делегацияси орасида; 1942 йил 2 январь.

Тошкентлик Ҳасан ота Исломов. Шаҳар аҳли орасида «Ҳасан домла» номи билан маълум эди. У 1896 йили Тошкентнинг Обиназар маҳалласида янги усулдаги мактаб очиб, муаллимлик қилган. Кейинчалик бу мактаб «18-шарқ мактаби» деб атала бошланган. Ҳасан ота ўзи зиёли инсон бўлгани боис фарзандлари Сирожиддин, Зуҳуриддин, Қамариддинлар ҳам ота касбини давом эттирувчилар бўлиб етишади.

Ҳасан отанинг тўнғич ўғли Сирожиддин 1939 йили Совет армиясида муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун кетади. 1941 йилнинг 22 июнида Иккинчи жаҳон уруши гирдобига совет давлатининг тортилиши мусибатларнинг бошланиши эди. Ҳасан ота урушнинг кейинги ойи, аниқроғи, 1941 йилнинг 24 июлида Сирожиддиннинг ҳалок бўлгани ҳақида «қорахат» олади. Бундай мусибат ҳар қандай инсонни гангитиб қўйиши аниқ. Аммо Ҳасан ота юртга келган балони, фашизм бутун инсониятни Ер юзидан супуриб ташлаши мумкинлигини тушуниб турарди. *«Эл бошига тушган мусибат олдида бу шахсий мусибат ҳеч қанча эмас»*, деб билган Ҳасан ота Андижонда ота касбини давом эттираётган ўғли Зуҳуриддинни зудлик билан Тошкентга чақириб олади ва ҳарбий комиссарликка олиб бориб, фронтга жўнатишларини сўрайди.



Иккинчи ўғлини ўз қўли билан урушга жўнатмоқчи бўлган Ҳасан ота ҳақидаги хабар Республика раҳбари Усмон Юсуповга етиб боради. Ўша йили 6 декабрда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг умумхалқ йиғилишида сўз олган Ҳасан ота шундай дейди: *«Биродарлар, агар бугун фашистлар рус, украин, беларусь, молдаван шаҳар ва қишлоқларини ёндираётган экан, индамай қўл қовуштириб ўтираверсак, эртага бизнинг аёлларимиз ва қизларимиз, оталаримиз ва оналаримизни ваҳшийларча азоблашлари, муқаддас она тупроғимизни оёқ ости қилишлари мумкин... Ҳаммамиз Ватан ҳимоясига отланмоғимиз лозим!»* Бу сўзлар мажлисда йиғилганлар қалбини жунбишга келтиради. Шундан сўнг Ҳасан домла ўғли Зуҳуриддинга йиғилганлар олдида қадимий ўзбек қиличини топширади ва кейинги ўғли Қамариддин ҳам фронтга кетишга шай турганини айтади. Бу сўзлардан таъсирланган Республика раҳбари Усмон Юсупов Ҳасан отани бағрига босиб, Ватан ва халқ номидан унга ташаккур айтади.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб 1995 йили нашр этилган «Хотира» китобининг мажмуа жилдида Ҳасан ота Исломовга алоҳида мавзу ажратилган. Ушбу китобни варақлар экансиз, қуйидаги тарихий воқеанинг гувоҳига айлангандай бўласиз. 1941 йил декабрь ойида фашистлар қўшини Москва остоналарига етиб келган, *«Бир қадам ҳам орқага чекинманг!»* даъвати билан совет қўшинлари шиддатли жанг олиб бормоқда. Шу дамда қўшиннинг руҳиятини кўтариш мақсадида Йўлдош Охунбобоев бошлиқ Ўзбекистон халқининг вакиллари Москва остоналаридаги мудофаачиларга Янги йил совғалари улашиш учун йўлга чиқади. Улар орасида Ҳасан ота Исломов ҳам бор эди. Ҳасан ота Исломов бошчилигидаги гуруҳ машҳур саркарда армия қўмондони генерал-лейтенант Константин Рокоссовский қўмондонлигидаги қисмларга йўл олишди. Шу тариқа Москва мудофаачиларига ўзбек халқи юборган совға-саломлар топширилди.

Ўзбек делегациясининг энг кекса аъзоси Ҳасан ота Исломов генерал-лейтенант Константин Рокоссовскийни ҳайратга солади. Шундай қалтис вазиятда фронт чизиғида кекса отахонни учратиш қўмондонни ажаблантирган, албатта. Шундан сўнг Рокоссовский отахонни суҳбатга тортади. Суҳбатга гувоҳ бўлган Йўлдош Охунбобоевнинг кейинчалик хотирлашича, Ҳасан ота Москва мудофаасида тинка-мадори қуриган жангчиларга жуда катта руҳ бера олган. Айниқса, бу суҳбатдан қўмондон ва мудофаадаги ўзбек жангчилари жуда катта мотивация олади. Ҳасан ота ўзининг зукко ва донолиги билан генерал-лейтенант Константин Рокоссовскийнинг бутун умр хотирасида қолади.

Ўзбекистон делегациясининг Москва остоналаридаги фронт чизиғида бўлиши жангчиларни янги-янги жасоратларга илҳомлантиради. Балки шу воқеа сабаб 1 753 нафар ўзбекистонлик жангчи Москва остонасидаги жангларда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатганлиги учун «Москва мудофааси учун» медали билан тақдирланган.

Ҳасан ота Исломов Иккинчи жаҳон уруши йилларида фарзандларини урушга жўнатиб, ўзи фронт ортида мардонавор меҳнат қилган оддий кекса юртдошларимиздан биридир. Уруш йиллари бундай мард инсонларни мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагидан, ҳар бир қишлоқ ва шаҳарларидан топиш мумкин эди. Иккинчи жаҳон урушида халқимиз кўрсатган мислсиз жасорат, матонат рамзи сифатида барпо этилган «Шон-шараф» музейининг дастлабки экспозициялари ичида Ҳасан ота Исломовнинг расми алоҳида ажралиб турибди. Унга назарингиз тушиши билан мазкур воқеалар кўз ўнгингизда гавдаланади. «Шон-шараф» музейи Ҳасан ота Исломов каби инсонларни бугунги авлодга намуна сифатида кўрсатиш, уларга муносиб ворис бўлиб етишишга чорловчи ватанпарварлик мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ҳабибулла ХОЛМАТОВ,
Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Гуманитар фанлар кафедраси доценти

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар»

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан қад ростлаган «Ғалаба боғи»нинг барпо этилишидаги ташкилий ишларни ёритиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг эски биносида қиш ўрталарида бўлган эдик. Мамлакатимизнинг турли чеккаларидан юборилган тарихий экспонатлар даставвал шу ерда тўпланган эди.

Мен бу ерда илгари ҳам бир неча марта бўлганман. Турли илмий-маърифий анжуманлар бўлиб ўтган. Бироқ ўша қиш куни кўрганларим кўз ўнгимда муҳрланиб қолишини кутмаган эдим.

Иккинчи жаҳон урушига оид экспонатлар илмий анжуманлар ўтадиган улкан зал қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юборган эди. Унда кишини ўйга толдирадиган аллақандай оғир сукунат, оғир руҳ бор эди. Яна жуда кўп учбурчак хатлар... Йиллар ўз ҳукмини ўтказиб, хиралаштирган фронтдан муждалар... У эгаларига таскин-тасалли бўлиб келган, умид бўлиб келган, тириклик муждаси бўлиб келган. Айнан шу сарғайган мактублар кўз ўнгимда қолди.

«Қайтмайман, бурчимни
ўтаб...» во дариғ,
Қоғознинг қолгани кетган
титилиб.
Қирқ йилки бу кўм-кўк
олам сап-сариқ,
Яшайман, қоғоздай бағрим ситилиб.

Бу ўзбекнинг улуғ шоири Ҳалима Худойбердиева қаламига мансуб *«Қайтмайман...»* шеъридан парча. Севимли шоиримиз уруш одамлари, уруш кўрган одамлар орасида улғайган эди. Шунинг учун унинг ёзганларида теран дард, аёл нафаси, армонлар акс этиб туради:

Қайтмайман... ҳа, мен ҳам қайтмадим фақат
Умр ўтди ҳижроннинг
тутунин ютиб.
Кетяпман, кўксимга
муҳрланган хат
Сарғайган шу қоғоз
қўлимдан тутиб.
Қайтмадим... мард туриб
тугаётир жон,
Қайтиб, Сенга юм-юм ёш
қуйсам, қани?!
Мўъжиза бўлса-ю, тирилсанг
бир он
Қайтиб кўкрагингга бош
қўйсам, қани?
Қайтмайман, бурчимни
ўтаб ўламан.

Учбурчак мактублар, урушдан муждалар... Аёлларгина бундай чўнг армон ва ғамни сатрларга жойлай олади. *«Истадим, шу қоғоз менга эр бўлди... Истагим ер бўлди, кўнглим ер бўлди».*

Азиз ўқувчи, бугун сизга Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева шеъриятини тавсия қилмоқчиман. Бугун шеъриятга қизиқиш камайган, деган гапларга ишонмайман. Унинг мухлислари ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлаверади.

Мен оташнафас шоир ижодини таҳлил қилиш фикридан йироқман ва бунга маънавий ҳақли эмасман. Фақат ўзим севган, шайдоси бўлган аслликдан, хазинадан сизни ҳам бахраманд қилгим келди. Унинг ижодида уруш мавзуси, тўғрироғи, урушнинг фожиалари мусаввирнинг тасвирларидек акс этган.

Шоир *«Қўл ҳақида»*ни урушдан қўлсиз қайтган Темир аканинг шеъри дейди. **Ўқиймиз:**

Одамларга суқланмай пастдан
Кирмоқ бахт ўз эшигинг очиб.
Жангдан қайтгач, қўлим
тегмасдан
Оқ қор бўлди кампирим сочи.

Қўлсиз қайтган жангчи... Уч-тўрт йил аввал Андижон вилоятининг Ойим қишлоғида уруш фахрийлари билан суҳбатимизда отахонлардан бири шундай деган эди: *«Урушдан бир қўлим яроқсиз қайтдим. Буни кўриб, онам суюниб кетган, Аллоҳга шукур, яхши бўлибди, энди сени яна қайтиб урушга олишмайди...»* Онанинг қувончини ҳис қила оласизми? Энг муҳими, унинг ўғли жаҳаннам ичидан тирик қайтиб келгани эди.

Яна **ўқиймиз:**

Керак пайти берганман борин –
Йўқлигимдан қилма киноя.
Сақламоқ юрт, онамнинг орин
Шу бўлганди мендаги ғоя.

Аввалари эътибор бермаган эканман, шоирнинг ижодида бу мавзу анчагина салмоқли экан. Аввалари... Аввалари унинг ҳар бир дунё юзини кўрган китоби адабиёт оламида бир воқеа эди. Китобларини топиш ҳам маҳол эди. *«Туғилиш бир, ўлим мингдир...»* шеърида шундай мисралар бор:

Аҳмад урушга кетганди,
айни гулдек ёшида,
Ўн етти ёш кўзларида
кўрганмисиз ҳеч ҳадик.
Ҳадик тортмай сўлди, она
ботди қайғу ёшига,
Яшаётир ҳали-ҳануз
кўтаролмай кўксин тик.
Ҳали-ҳануз топилмайдир бу
армоннинг чораси,
Йиллар ўтар юрагини
ўтмишга бўйлантириб.
Тушларида фарёд чекар
кўриб ўғлин ярасин,
Тушларида шодланади
ёлғизин уйлантириб...

Ҳалима Худойбердиева *«Май алёри»*да шундай ёзади:

Қайтмаган турналарни рўзи
маҳшаргача то,
Кўзимиз қароғида олиб
кетаётибмиз.
Ўзи номаълум қолиб, маълум
бахт қилмиш ато,
Балки шу руҳлар ҳаққи
ғолиб кетаётибмиз.
Майни ойлар зебоси, камалак
ёйи дерман –
Шаҳидлар эсга тушар, зиёрат
ойи дерман.

Бу шеър худди бугунги кунларимизга атаб ёзилгандек. «Ғалаба боғи»га кўрк бўлиб тушадиган мисралар. Бу боғ шарофати билан номаълумлар ҳам маълум бўла бошлади, тарихий адолат тикланди.

*«Турналар»*дан **ўқиймиз:**

Қай юртда макон топди қай
бирининг тупроғи,
Ким билар қай денгизда
қай бири чўкиб кетди.
***
Қайтганлар, қайтганлар ҳам
сийраклашар кундан-кун,
Ҳув қорда оқсоқланган
уч-тўрт турнани қаранг...

Азиз ўқувчи, бу мавзудаги шеърларнинг ҳар бирига тўхталиш имкони йўқ. Ҳар бири тугал бир достондек. Аммо айримлари ҳақида гапирмаслик мумкин эмас-да. Шулардан бири *«Уруш бу бир қора сўздир...»* **Ўқиймиз:**

«Бобо, нега қўлингиз йўқ,
оёғингиз ёғочдан?»
Во дариғо! Ўйга толар, умр
қайта яшалар,
Баргдай титраб ўтмишини
қайта ўтаркан босиб,
Кечагидай кўриб турар:
«Вокзал, жигаргўшалар –
Хотинининг «кўришмаймиз!»
деб кўтарган уввоси,
Улар қайта кўришмади,
тўғри чиқди мудҳиш фол..
***
Уруш – етим чақалоқ у,
поймол одам, поймол шаён,
Мен бу қаро дардни
қандоқ оқ қоғозга қуяман?..

Бу шеърлар орасида яна бири бор. Уни ҳар ўқиганимда юрагим ларзага тушади ва шундай ўй кечади: бу сатрлар қоғозга тушаётганида шоирнинг қалби қандай бардош берди экан?!

Йигирма миллион байроқ,
гўрли-гўрсиз кўзғолса,
Совиб қолган ўчоқлар
кўрли-кўрсиз кўзғолса,
Мункайган келинчаклар
эрли, эрсиз кўзғолса,
Бугунги уришқоқлар,
Сиз не дерсиз кўзғолса,
Қирчиллама қирқ йигит
уйга қайтмаган кунлар.

Ҳа, бундай шеърлар ҳақида сўзлаш эмас, ўқиш керак. Ҳалима Худойбердиеванинг «Танланган асарлар» тўплами «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компаниясида 2019 йилда чоп этилган. Жуда гўзал китоб. Ўқинг, дўстлар орасида, оила даврасида ўқиб, фарзандларингизни инжа туйғуларга ошно этинг, асл асар билан жавондаги жавоҳирларингизни яна биттага бойитинг. Жавонингизда бор бўлса, яна бир марта қўлга олиб варақланг, пичирлаб ўқисангиз-да қалбим буни севинч-ла ҳис этади.

Инобат ИБРОҲИМОВА
«Vatanparvar»

ИБРАТЛИ УМР

Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилганида Убайдулла Мусаев 27 ёшда эди. Зангиота тумани Зангиота қишлоғидан урушга кетган кўплаб йигитлар қатори у ҳам уруш даврида тинчлик, озодлик учун қаҳрамонларча жасорат кўрсатди. Буни унинг костюмига қадалган Иккинчи жаҳон уруши даврида I (12.06.1945) ва II (14.02.1945) даражали «Шуҳрат», «Меҳнат қаҳрамони», «Меҳнат жасорати учун» сингари қатор жанговар орден ва медаллар тасдиқлайди.

ЎҚДАН ҚЎРҚМАГАН ЮРАК

Совуқ уруш дараги келгунча қаҳрамонимиз Зомин туманида пахта қабул қилиш пункти директори, Самарқандда ўрта мактаб ўқитувчиси лавозимларида меҳнат қилди. Қароғида болалик ўти порлаган ўғил-қизларга сабоқ берган Убайдулла муаллим душманга қарши курашда ҳам ўзини бурчли, деб билди. Дастлабки жангларда ҳалок бўлган ватандошларимизнинг уйига «қорахат» келиб, оилалар мотамда қолганига унинг оташ юраги асло чидаб туролмасди. 1941 йили фронтга жўнатилганидан кейин куролли аскарлар сафига қўшилди.

Шиддаткор ва аёвсиз жангларнинг олдинги сафларида ғанимга қарши курашган лейтенант Убайдулла Мусаев оғир ва машаққатли дамларда ҳам қаҳрамонлик, фидойилик кўрсатди. Жумладан, Шарқий Пруссияни озод этиш йўлидаги жангларда жонини аямай, чинакам мардлик намунасини кўрсатгани учун икки марта жанговар орденлар билан тақдирланади. Моҳир мерган сифатида у нишонни аниқ олгани учун 1944 йили 216-ўқчи дивизияси 589-ўқчи полкининг ўқчилар взводига командир этиб тайинланди.

Кескин ва оловли уруш йилларида у кўкрак қафасидан яраланди. Ўқ чап кўксига тегиб ўтган эди. Не мўъжизаки, жони омон қолиб, шаҳар госпиталида даволангач, яна куролдошлари сафига қайтди. Ғаним ҳужумига кўксини қалқон қилган мерганнинг қўрқмас юраги унча-мунча ўқни писанд этмаганига шифокорлар ҳам таҳсин айтади. Унга тегишли ҳужжатлар ҳозир Москванинг ҳарбий архивида сақланиб қолган.

1945 йили кўплаб мард ўғлонлар турли тан жароҳати олиб, уйига қайтди. Афсуски, кимларгадир бу имконият насиб этмади. Хатарли ўқлар «ёмғири»дан омон қолган ўқчи тарихий ғалабадан сўнг ўзи туғилиб ўсган ота қишлоғи – Зангиотага қайтиб, кўп йиллар фидокорона меҳнат қилди. Умрининг охиригача мамлакат тараққиёти ва келажаги учун ўз ҳиссасини қўшди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейинги даврда ҳаёт кечириш жуда оғир эди. Янгийўл туманидаги Свердлов жамоа хўжалигига раислик қилган У. Мусаев турмуш қийинчиликларига қарамасдан, жамоа хўжалигига янги идора, аҳолига қулай ва зарур шароит яратиш мақсадида қишлоқ фарзандлари учун мактаб, унинг ёнида болалар шифохонаси, катта ҳаммом, почта, телефон, телеграф хонаси қуриб битказилишида эзгу ташаббус кўрсатди. Қишлоқдаги оғир аҳволда қолган хонадонларга томорқа бериш ва ундан фойдаланиш, уй, ҳовли-жой солишга етарлича ёрдам қўлини чўзди.

– 1959 – 1961 йилларда Убайдулла Мусаев кўплаб ёшларни қишлоқ хўжалиги механизаторларини тайёрлаш ўқув курсида, қиз-жувонларни олти ойлик пахта териш машинаси бўйича ўқитди. Излаган имкон топар, деганларидек, бир йил мобайнида қунт билан ўқиган ўспирин ёшлар механизатор ихтисослиги бўйича йўлланма олиб, ўз иш ўринларга эга бўлдилар. Мен ана шу курсларда ўқиш давомида Убайдулла акани яқиндан таниганман, – дея эслайди ўз хотираларида меҳнат фахрийси Тўлаганхўжа Азаматов. – 1967 йилдан мудофаа ишлари бўлими томонидан колхоз, совхоз ва автокорхоналардаги ҳарбий рўйхатда турган техникаларнинг захира қисмларини кўрикдан ўтказиш учун хизмат сафарига жалб этилдим. Иш юзасидан Убайдулла Мусаев билан жуда кўп суҳбатлашиб, ўгитларини олдим, ҳаётий тажриба орттирдим. У ҳеч бир қишлоқдоши ҳаётига бефарқ бўлмаган, ўз юртига содиқ инсон эди. 1963 йили юксак хизматлари инобатга олиниб, «Меҳнат қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. 1965-1966 йилларда «Нов» номли республика соғломлаштириш масканига асос солди ва уни қуриб битказишда ўзи бош-қош бўлди. Табиий минерал сув чиқиб турган ушбу санатория асосан кўзи ожизлар учун хизмат кўрсатган. Убайдулла ака умрининг охирги йилларига қадар мазкур дам олиш сиҳатгоҳининг директори сифатида фаолият юритди.

Ўз умрини ҳалол ва самарали меҳнати билан безаган қаҳрамонимиз 1972 йил 16 март куни вафот этди. Ҳамқишлоқлари бу инсонни ҳанузгача бағрикенг, ўз ишини сидқидилдан бажарган фидокор, халқпарвар эди, деб эсга олади. Шундай қаҳрамонларимиз орасида Муҳаммад Зангиров, Абдулла Қурбоновни ҳам эслаш ўринлидир. Бу каби ота-боболаримиз хотираси тарихда абадий қолади ва уларни эслаш инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Фидойи ва ташаббускорлиги билан Зангиота туманини обод қилишга беминнат ҳисса қўшган Убайдулла Мусаевнинг ёди ва ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида Зангиота қишлоғидаги кўча, Тинчлик қишлоғидаги маҳаллаларнинг бири унинг шарафига номланган.

– Бувамнинг бир ўғил, бир қизи бўлган, – дейди биз билан суҳбатда бобонинг энг кичик набираси Зилола Абдуалимова. – Уларнинг иккови ҳам бобомнинг изидан бориб, мактабда ўқитувчилик қилди. Дадамнинг етти, аммамнинг олти фарзанди бор. Ўттиздан ортиқ набиралари бобомнинг ҳаёт йўллари, одамларга қилган яхшиликлари тўғрисида ҳам кўп эшитган. Айниқса, ижодкорликка иштиёқи баланд бўлганидан бир китобга етгулик, мағзи тўқ, салмоқли шеърлар ёзгани бизга бебаҳо мерос бўлиб қолган. Унинг ушбу ижод намуналарини жияни алоҳида китоб ҳолида тўплаб, «Убайнома» номи остида чоп эттирди. Уни мутолаа қилиб, беихтиёр ўша давр муҳити, изтиробларини ҳис этасиз. Биз шундай бобомиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

МАТОНАТ

«БОЛАМНИ ЎЛДИ, ДЕМАНГ...»

Президентимиз Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида «Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табаррук Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуғ зотдир.

Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир. Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали оналар юртимизда кўплаб топилади», деган эди. Қорақалпоғистонлик Нигархан Мамбеткаримова ҳам халқимизнинг ана шундай бардошли аёлларидан бири эди.

Уруш минглаб инсонларни ота-онасидан, ёридан, жигарпораси бўлган фарзандидан айирган заҳри қотилдир. Бу уруш оқибатида кўплар азият чеккан бўлса-да, аммо фарзандидан айрилиб, қон ютган онанинг дардини эшитиш, ҳис қилиш ҳаммасидан оғир.



«Болам тошнинг орасидан ёриб чиқадиган азамат йигит»

Орол денгизи айни сувга тўлиб, тирикчилик манбаига айланган йилларда вояга етган Нигархан қишлоқнинг сулув қизларидан бири эди. Ошиқлари кўп бўлгани учун қалин пулини кўпроқ бермоқчи бўлганлар бўлса-да, аммо Нигарханнинг отаси қизини Алламуратга узатди. Ёш оилани очарчилик йилларининг қийинчиликлари четлаб ўтмади. Улар бир-бирига елкадош бўлиб, икки ўғил, уч қизни тарбиялади. Фарзандларига курмакни майдалаб, қайнатиб берган кунлари ҳам бўлди.

1939 йил Алламурат Мўйноқда ишлаб юрганида Орол денгизидан сув тошиши оқибатида ҳалок бўлди. Оила юки Нигарханнинг гарданига тушди. У қизи Сулувханни турмушга узатиб, ўғиллари Хожамурат ва Ауесни устага шогирдликка берди. Энди ҳаловат топдим, деганида совуқ уруш хабари келади, 1941 йил катта ўғли Хожамурат армия сафига чақирилиб, жанг майдонига кетади. 1942 йил 3 сентябрда эса фронтдан «Оддий аскар Хожамурат Алламуратов фашизмга қарши жангда мардонавор қатнашгани ва Смоленск вилоятининг Карманов тумани, Твердунова қишлоғи яқинидаги ўрмонда вазифасини бажариш чоғида сафдошлари билан боғланиш имкони бўлмагани учун изсиз йўқолгани» ҳақидаги хабар ва кўрсатган жасорати учун медаль келди. Онаизор бу хабарга ишонмади, «Болам тошнинг орасидан ёриб чиқадиган азамат йигит», деб унга ҳамдард бўлиб келганларни ортига қайтарарди. Аммо орадан уч кун ўтиб, кичик ўғли Ауесни ҳам фронтга олиб кетишади. Аёл икки қанотидан айрилган бургутдек азоб чекса-да, аммо дардини ичига ютади.

Нигархан овулнинг хотин-қизларига бош бўлиб, уларни матонатли бўлишга ундайди. Ўғлидан «қорахат» келган оналарга дардкаш, жигарпораси ўлим ўчоғида юрганларга эса суянчиқ бўлади. Унинг метиндек иродаси ҳақида «Орол балиқчиси» газетасида «Ўлимга енгилмаган Она!» сарлавҳали мақола чоп этилади. *«Нигархан Мамбеткаримова нағыз қаҳраман ҳаял. Себеби ол еки баласы урыста екенлигине қарамай мийнет фронтинда жемисли хизмет етпекте. Қызы Сулухан болса фронтқа самолёт ҳам азық ауқат жибериу ушын, конилилерын топар дузип театрда хизмет қылмақта»*, деб ёзилган газетада.



Аёл катта ўғлини йигирма беш йил кутади, шу оғриқли йиллар ичида у ўзидан ўтганини ўзи билди. Охири тақдирга тан бериб, 1967 йил Хожамурат Алламуратовга ёдгорлик ўрнатди.

«Эрназарнинг «урпағыман»

Ауес Алламуратов сафдошларига нисбатан анча матонатли ва жасур эди. У 1942 йил 2-Белоруссия фронти, 36-гвардия алоҳида 32-ўқчи дивизиясида разведка полкида ўқчи вазифасида хизмат қилади. У қисқа муддат ичида жасорат кўрсатиб, малакали ва ишончли разведкачилар сафига қўшилади ҳамда гвардия командирларининг назарига тушади. Урушда ҳарбий ҳаракатланишнинг ўз қоидалари бор. Қаҳрамонимиз душманнинг махсус объектларини кундузи ва кечқурун разведка қилишни бошлайди. Кундузи разведка ишларини олиб бориш бу ўлимга тик боқиш билан баробар эди.

1943 йилнинг куз фаслидан Брянск полкида фашист қўшинларига қарши жангни давом эттиради. Жанговар ҳаракатлар давомида ўқчи қўшинлари захираси ва душман қўшинларини олиб чиқиш ҳамда узоқ масофали ҳарбий ҳийлалардан фойдаланиш бўйича 73 марта миссияда қатнашади. Киши ҳеч қаерда қўлланилмаган ҳарбий ҳийла ишлатиш учун анча заковатли бўлиши керак. Ауес Алламуратов эса душманнинг мудофаа чизиқларини шу қадар чапдастлик билан кесиб ўтар ва совуққонлик билан вазифани бажарарди. Сафдошларига «Қорақалпоқ халқининг мард ўғлони Эрназарнинг «урпағыман», деб айтарди. Чиндан ҳам Ауес Эрназардек жасур, онаси Нигархан эса Қумар она сингари матонатли аёл эди.

1944 йил 5 апрель... Бу вақтга келиб, Ауес Белоруссия фронтининг энг олди разведкачилари сафида эди. Кундузи ўтказилаётган разведка жараёнида душман қўшинлари уларни зенит ўқлари билан кутиб олди. Гуруҳ ваҳимага тушмай, моҳирлик билан вазиятни қўлга олади. Душман анча тажрибали ва имконияти кўпроқ бўлса-да, аммо Ауес ва унинг сафдошлари улардан кўра эпчил эди. Алламуратов душман аскарларига тузоқ қўйишга эришади ва уларни чалғитади. Шунингдек, фашист қўшининнинг энг катта махфий базаси ҳақида маълумот олади ва бу кейинги ғалаба учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Бу жангда кўрсатган жасорати учун у «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган.

Берлинни босиб олишга бўлган жанговар тайёргарликларда разведкачиларнинг иши кўпайди. 1945 йил 25 апрелда тўртинчи марта фашистлар пойтахтига қараб юриш қилинди. Вазифа ўта оғир. Совет армиясининг энг тажрибали командирларигина бу операцияга жалб этилган. Гуруҳ аъзолари бу оддий топшириқ эмаслигини яхши билишарди. Алламуратов белгиланган манзилга етиб борди. Унинг гуруҳи бошқалардан анча олдинда кетарди. Кутилмаганда фашист аскарлари пистирмадан ҳужумга ўтишди. Бу жангда Ауес ўнг оёғидан яраланди ва Саратовдаги госпиталга тушади.

Ёруғ кунлар илинжи

Нигарҳан она кенжа ўғлини икки кўзи тўрт бўлиб кутарди. Она ёруғ кунлар илинжида эди. Ва ниҳоят, Ауес Алламуратов 1947 йилгача армияда хизмат қилиб, бир шода орден ва медаллар билан уйига қайтади. Мана, Хожамуратдан бошқа барча фарзанди ёнида. Ауес уруш қаҳрамони, қизи Сулувхан эса Қорақалпоғистон халқ артисти, эл севган санъаткор.

Нигархан онани бежиз Қумар онага ўхшатмадим. Қумар онанинг ёлғиз фарзанди Эрназар Хива хонига қарши курашгани учун қатл этилади, аммо жасоратига тан берган хон унинг узилган бошини олтин мешда дарвозага илиб қўяди. Буни кўрган Қумар она метиндек ирода билан «Болам ўлмаган, қаранг, унинг табаррук боши ҳурматга сазовор бўлганини! Хон эса саройида яшириниб, димиқиб ўтирибди!» деган гапи ҳамон эл ичида тилдан тилга кўчиб юради...

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Ўзбекистондаги миллий озодлик ҳаракатини бостиришда, шўроларнинг бузуқ мафкураси билан айтганда, босмачиликка қарши курашда байроқни баланд кўтарган 20 дан зиёд қўшин – ҳарбий нашрлар ҳақида олдинги мақолаларда маълум қилгандим. Бу мавзу тинчлик бермади.

«ТУРКИСТОНЛИК – ШОНИМИЗ, ТУРОНЛИК – УНВОНИМИЗ»

Конга қоришган мадҳия

(биринчи мақола)

Ижтимоий тармоқда тарқалган қўшиқ оромимни ўғирлади. Туркий миллатлар санъаткорлари кечаги, бугунги дардимизни куйлаган. Айтган одамнинг бўғзини, эшитганнинг юрагини куйдиради. Мана, битта сатри: *«Тупроғига қон қоришмиш бир турк бор»*.

Хаёлимда узоқ эмас, яқин ўтмиш гавдаланди. Яна бир қўшиқнинг сўзидан олдин оҳанги келди. Қани уни айтадиган мард? Мағзи пуч қўшиқларни эшитиб ўрганган қулоқларимиз уни қабул қилмасмиди ё...

Турк бешиги – Туркистон!
Ери олтун, тоғлари кон!
Болалари қаҳрамон!
Ватан учун берур жон.
Нақарот
Туркистонлик – шонимиз,
туронлик – унвонимиз,
Ватан – бизнинг жонимиз,
фидо ўлсун қонимиз!

Тўғри англадингиз, бу маърифатпарвар бобомиз Чўлпон ёзган мадҳия. Туркистон мухториятининг мадҳияси. Тупроғимизга қон билан қориштирилган қўшиқ бу. Ҳалигача она замин ингранади, тўлғанади. Ҳарорати тупроқни куйдиради. Ҳар бир сўзи битта қўшинга тенг қўшиқ. Афсус. Тупроққа қориштиришди. Ундан жасорат униб чиқишига қўйишмади. Бу қўшиқни ўлдириш учун қўшинлар саф тортди. Қиличлар, ханжарлар ишга тушди. Милтиқлар ишга тушди. Бўлмади. Сўз билан ўлдиришга жаллодларнинг фаҳми етди. 20 дан зиёд қўшин – Қизил армиянинг ҳарбий матбуоти саф тортди. Истиқлол жаллодлари Туркистон мухториятини ҳам, мадҳиясини ҳам узил-кесил маҳв этишнинг, тарихий хотирамиздан бу воқеликни ўчириш учун курашнинг бошқача йўлига ўтишди. Тарихдаги ўта ғирром кураш. Ўз юртини, озодлигини, динини ҳимоя қилганларни чопиб, босмачи деб ҳақоратлаш.

ҲАРБИЙ МАТБУОТ ВА ФИТНА

«Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш вақтида бундай газеталарнинг (ҳарбий нашрлар назарда тутиляпти, муал. изоҳи) сони 20 дан ортган эди. Газеталарнинг мавжуд сонларини тадқиқ этганимизда, уларнинг асосий вазифаси Туркистонда Қизил армияни ташкил этиш, «босмачи»ларга қарши курашишда аскарларни ҳарбий ва маънавий жиҳатдан тайёрлашга ғоявий кўмак бериш ҳамда Қизил армия сафларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат бўлган, деган хулосага келдик».

Тарихчи олим Нодирбек Ҳамаев «Ўтмишга назар» журналининг 2019 йил 10-сонида чоп этилган «Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот» номли мақоласида шундай ёзади.

Ҳақиқий босқинчи киму, озодлик учун курашган ким? Буни яхши биламиз. Келинг, холис позициядан ҳам қараб кўрайлик. Яъни шўро зиёлилари, мафкурачиларининг ўзлари бу воқеликка берган изоҳларида кўриб чиқайлик.

Буни дастлаб Нодирбек Ҳамаевнинг мақоласидан келтириб ўтамиз. Қизил аскарларнинг мафкуравий қуролларидан бири бўлган «Еженедельник политработника» газетасида «босмачилик» ҳаракати вужудга келиши таҳлил қилинади. Большевикларнинг ҳарбий коммунизми, озиқ-овқат развёрсткаси каби моҳиятан мустамлакачилик сиёсати бунга сабаб бўлгани ёзилади. Балким бу соғлом фикр, холис муносабат ҳарбий цензура назоратидан четда қолгандир? Нега бу фикр айтилди? Мазлумларни ўйлабми? Ачинганиданми?

Йўқ, аслида шўро мафкурачилари оловга керосин сепмаслик учун, курашнинг бошқа йўлларини топиш учун газетада ора-сира бундай фикрларни берган. Назаримда миллатни яна тобе қилиш учун бошқача йўл тутиш кераклиги фикрини шакллантиришга уринишган.

Яна «Еженедельник политработника» ҳарбий нашрига қайтамиз. Олимнинг ёзишича, 1921 йилдан чоп этилган мазкур газетадаги ўша мақолада Фарғонадаги кураш «партизанлик ҳаракати» деб номланади. Унга қарши Қизил армия нотўғри усул қўллаётгани танқид қилинади. Қизил армия мағлубияти «босмачи»ларга халқ хайрихоҳ эканлиги билан изоҳланади.

Шунинг ўзи ҳам айтиб турибди. Бу ҳаракат миллий озодлик учун кураш эканлигини шўролар яхши англашган. Хўш, нима қилмоқ керак? Қилич қилолмаган ишни қандай тўғрилаш мумкин? Шунда ғоявий кураш йўлига ўтилади. Истиқлол учун курашаётган туркистонликларни шу йўл билан мағлуб этишни ўйлашади.

Бунда чуқур ўйланган фитна бор эди. Нодирбек Ҳамаев ёзишича, ўша пайтда Фарғона ҳарбий инқилобий қўмитаси раиси бўлган Ю. Кирш муаммони очиқ тан олиб, Фарғонадаги миллий озодлик ҳаракатини қурол кучи билан тўхтатиб бўлмаслигини, халқни «босмачи»ларга қарши қўйиш, уларни бездириш йўли билан бунга эришиш мумкинлигини айтган. Қарабсизки, муаммо ҳарбий матбуот кун тартибига қўйилади. Туркфронтнинг потирлаб ҳарбий нашрлари чоп этила бошланади. Турли миллат вакилларидан иборат бўлган Қизил армия қўшинларининг руҳини кўтариш учун матбуот – мафкура қўшини жангга киради.

«ПРАВДА» БОСМАГАН ҲАҚИҚАТ

Навбатдаги мисолга юзланамиз. Бу арман миллатига мансуб Георгий Сафаровнинг «Колониальная революция» («Опыт Туркестана») «Мустамлака инқилоби» («Туркистон тажрибаси») китоби. Китоб 1921 йилда чоп этилган.

Аввало, инқилобчи ҳақида қисқача маълумот берсак. У 1891 йилда Санкт-Петербургда арман – польяк оиласида туғилган. Инқилобчиларга қўшилиб, яширин партияларга аъзо бўлади. Қувғинда юради. 1917 йилдан «Правда» газетасида фаолият юритади. 1918 йилда Уралда чоп этиладиган газетага бош муҳаррир бўлади. 1919 йилда Туркистонга юборилади. 1920 йил ёзидан Туркбюро аъзоси этиб сайланади. Олдиндан шўро сиёсатига бироз мухолифат кайфиятда бўлган.

Интернетда инқилоб «доҳий»си Ленининг Г. Сафаров ҳақида билдирган бир фикри эътиборни тортди. Бу «Правда» газетасининг 1921 йил 2 сентябрь сонидан олинган. Яъни унда «доҳий»нинг шундай сатрлари келтирилган: *«Ўртоқ Г. Сафаров менга 21 VIII. 1921 да ёзишича, «Правда» газетаси таҳририяти унинг Туркистон ҳақидаги мақоласи баҳсли бўлгани учун чоп этишдан бош тортган экан. Менга мазкур мақолани йўллашингизни сўрайман»*. Шўроларнинг асосий матбуот органи иккиланганми, демак, мақолада большевикларнинг Туркистонда олиб бораётган сиёсатига тегиб кетадиган нимадир бўлган. Ўша нимадирга биринчи калит унинг китоби бўлди. Иккинчиси мухолифатчи экани. Маълумотларга кўра, мухолифатда бўлгани учун бир неча бора уни қамашади. 1942 йил 16 июлида НКВД махсус йиғилиши қарори билан аксилинқилобий террорчилик фаолияти учун отилади.

Тўғри, «Правда» босмаган мақоласи нега баҳсли бўлгани ҳақида бизда аниқ маълумот йўқ. Бироқ мантиқ бошқача «гапиради». У Туркистон масаласида нисбатан холис фикрни айтган. Ҳар ҳолда қизил террор «қиёфа»сини очмаган бўлса-да, ғирром ўйинни, фитнани англаган ҳолда фикрлаган. Бу бизнинг тахмин. Муаллиф китобини ўқиб, тахмин ҳақиқатга яқин эканини ўзингиз тушунасиз.

Аввало, китоб номига эътибор қаратинг: «Колониальная революция» («Опыт Туркестана»). Сарлавҳасидаги «мустамлака» сўзининг ўзи учун пешонасидан отиш мумкин эди-ку! Ахир, 70 йилдан зиёд вақт мустамлака бўлмагансиз, қўшиб олингансиз, деб қон-қонимизга сингдиришга уринишди-ку! Бу сўзни билмасдан ишлатсак, лабимизга учуқ тошарди-ку! Россия коммунистик партияси Туркбюро марказий қўмитасининг аъзоси бўлган амалдор 1921 йилда шундай ёзса-я?!

Бу билан шўро амалдори, мафкурачиси манфаатимизни ҳимоя қилган, демоқчи эмасман. Мазлумлар, уларнинг бегуноҳ тўкилаётган қонлари, ўз эрки, озодлиги учун кураши кўнглини юмшатганми ёки мухолифатчилигига борганми? Негаки, Троицкий, Зиновьев думи сифатида, кейинчалик «Киров иши» бўйича қамалиб, сургунларда бўлгани, аксилинқилобчи сифатида айблангани бежиз эмас. Демак, шўро тузумининг айрим кирдикорлари, хусусан, Туркистон масаласидаги адолатсизлиги уни қийнаган бўлиши мумкин. Алалоқибат қатл этилиши бу фикрни исботлайди.

«Правда» газетасидаги бизни қизиқтирган фикрларини китобидан излаймиз. Китобнинг 90-бети. Муаллиф «босмачилик» ҳаракатини бир томондан миллий озодлик учун кураш, «Қўқон мухторияти»ни тормор этиш замиридан ва алалоқибат мустамлака бемазагарчиликларидан келиб чиққан, дейди. Бошқа томондан иқтисодий инқироз, очарчилик, Фарғонадаги пахта етиштириш билан боғлиқ жараённинг издан чиқишига боғлайди. Яъни бойлар моддий аҳволи ёмонлашгани, мардикор, чоракор ва ишчилар маошсиз қолиб кетаётгани билан буни изоҳлайди. Яъни давом этаётган мустабид сиёсат қишлоқ хўжалигини хонавайрон қилганди. Эътибор беряпсизми? Келтирилган барча сабаблар миллат курашининг моҳиятини кўрсатиб беради. Шунча зулмга қарши нима қилмоқ керак эди? Яна камига «босмачи» деган тамғани босишади. Қанчалар тубанлик...

Китобни ўқишда давом этаман. Муаллиф босмачиликка қарши кураш биринчи кунлардан мураккаб бўлгани, негаки, курашаётганлар партизанлик ҳаракатини олиб боришгани ва халқ уларни қўллаб-қувватлаганини ёзади.

«БОСМАЧИЛИК» ВА МУСТАМЛАКАЧИЛИК

Мухолифатчи, шўролардан алами бор бир кимса ёзса, ёзибди-да, дейишга шошманг. Айнан ўша пайтларда матбуотда Г. Сафаровнинг фикрларини қўллаб, мақолалар чоп этилганига нима дейсиз?!

Масалан, тахаллуси Дарвеш бўлган, асли исми шарифи Н. Тўрақулов ва Г. Скалов «Замонавий босмачилик» деган мақола эълон қилишган. Олим Н. Ҳамаевнинг ёзишича, унда муаллифлар «босмачилик» ҳаракати совет ҳокимиятининг ўлкадаги нотўғри сиёсати туфайли деҳқон хўжаликларининг вайрон бўлиши оқибатида келиб чиқди, деган фикрни илгари суришган.

Г. Скаловнинг фикрлари янада кескинлашади. У Фарғонадаги қуролли курашнинг иқтисодий-ижтимоий сабабларини очиб беради. Яъни «босмачилик»ка совет ҳокимиятининг аҳоли мулкини зўрлик билан тортиб олиши, тунаши ва мустамлакачиликка асосланган сиёсати сабаблигини ёзади.

Бу 100 йил олдин айтилган фикрлар. Буни миллат озодлиги учун курашган боболаримиз эмас, уларнинг жаллодлари айтган. Ҳар ҳолда фитна бошида турганларга «барака топкурлар, бошқа йўллар билан ҳам эгиб олсак, озодлик учун кураш оловини сўндирсак бўлади», демоқчи бўлишганми? Мантиқ шундай хулоса беради.

Бизга эса бу борадаги баҳс қизиқ эмас. Фактларнинг ўзи қизиқ. Босмачи ким, деган саволга беихтиёр мустабидларнинг ўзлари берган жавоби қизиқ. Ҳар ҳолда ақл-ҳуши жойида одамга буни изоҳлашнинг ҳожати йўқ.

Алижон САФАРОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчиси

МОЗИЙ – ҲАҚИҚАТ ТАРОЗИСИ

Аҳмад Закий Валидий Тўғон:

ҚУРБОНЛАР БИЗ БЎЛМАЯЖАКМИЗ!

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Миллий аскар тузишга имкон бермаса...

Биз уларни кутиб Бухоронинг ғарбий томонида, шаҳар четидаги Харгўш қишлоғида амирга тарафкаш бир бойдан ҳукумат ихтиёрига тортиб олинган хўжаликда қолдик. Бизнинг Бошқирдистон аскаридан Абхази Ишмурзин, ёрдамчиси Иброҳим Исҳоқов, бошқа бир неча офицерларимиз, полковник Ҳайбатулла Суюндиқов яқин офицерлари билан бирга келиб, ҳаммаси ҳам Бухоро аскарий қисмларида раҳбарий вазифалар олди. Қарши, Шаҳрисабз, Нурота, Ғузор, Кармана аскарий қисмлари (яъни марказий қўмондонликлар) уларнинг ихтиёрида эди. Уларнинг ҳаммасини Ориф тайинлади. Мақсадимиз қизиллар расмий ва қонуний йўллар билан миллий аскар тузишга имкон бермаса ёки тузила бошлаган аскарий қисмларни тарқатишга киришса, босмачилар билан бирлашиб, умумий кўтарилиш бошлаш эди. Бунга муваффақ бўлиш учун фақат босмачилар орасида миллий мақсадни кенг кўламда тушунтириш керак эди. Бу ишларни Тошкент ва Фарғонадаги ўртоқларимиз жуда муваффақиятли амалга оширдилар.

Иш юритиш осон эмасди

Орифов Туркиянинг Бухородаги асир офицерларидан бир аскарий мактаб ташкил этмоққа жазм этди. Уларнинг баъзилари Али Ризобек раҳбарлигида жандармерия ташкил қилиш билан шуғулланди. Лекин расмий хизматчи бўлганликдан рус разведкачилари бутун ҳаракатлари ва алоқаларини билиб турди. Шунинг учун биз улар билан алоқаларни учинчи бир киши орқали олиб бордик.

Февралда туркманлардан Қаҳжон Бердиев, қозоқлардан Алаш Ўрда вакили Хайриддий Болғинбоев, Мухтор Авезов билан яна икки киши келди. Бухороликлар ва ўзбеклар билан иш юритиш осон эмасди. Чунки бухороликлар ва тошкентликлар орасида тушунмовчиликлар бўлгани сингари, ўзбеклар орасида рус мактабларида ўқиган кишиларга, айниқса, қозоқларга нисбатан «миссионер» деб қараш каби баъзи нафратлар мавжуд эди. Биз Бухорода ўзбек, туркман ва қозоқ вакиллари билан Харгўшдаги Марказимизга ва амирнинг «Ситораи Моҳи Хосса» саройининг бир ерида йиғилишиб, тузилаётган Миллий Бирликнинг программаси ҳақида сўзлашдик.

Етти банддан иборат платформа

Хивадаги Миллий ҳукумат руслар томонидан тарқатиб юборилгач, уларнинг айрим вакиллари яширин равишда Бухорога келдилар. Улар билан ҳам сўзлашилди. Қозоқлар маслаҳатлашувларнинг узоққа чўзилишига, ёш Бухоро ҳукумати арбобларининг иккиланишларига нисбатан норози бўлдилар. Ниҳоят, сўзлашувлар оқибатида Ўзбекистонда социалист бўлмаган ва динга таянувчи жадидлар фирқаси, иккинчиси, социалистик «Эрк» партияси, учинчиси, қозоқларнинг Алаш Ўрда фирқаси бирлашиб, мен тайёрлаб берган етти банддан иборат Умум платформасини қабул этдик.

1. Миллий мустақиллик.

2. Демократик жумҳурият.

3. Миллий аскар.

4. Иқтисодий идора, темир йўл қуриш, каналлар қазиш, Туркистоннинг асл мустақиллик асосларини юзага келтириш.

5. Маорифни тамоман бугунги кун камолотига кўтариш ҳам Европа маданияти билан... ошно қилиш чораларини қидириш.

6. Миллий мактаблар, мамлакатнинг табиий бойлигидан фойдаланиш масалаларини мамлакатда яшаётган миллатларнинг ҳисобига қараб ҳал қилиш.

7. Динга тўла ҳуррият бериб, дин билан дунё ишларини бир-бирига аралаштирмаслик.

Шоир Чўлпон ва профессор Самойлович

Харгўшда яшаган вақтимда, Бухорода менинг ихтиёримга бериб қўйилган ҳовлига ҳар икки кунда бориб турар эдим. Шоир Чўлпон доимо бу ерга келиб, мени кўришга ҳаракат қилди. Лекин шоир зотининг оғзида гап турмайди, деган ўйда қабул қилмай, уйда йўқ денглар, деб жўнатардим. Албатта, бундан унинг жаҳли чиқарди. Бир куни у «эҳ, шу шоирлигим мени оғзи бўш ва ишонмайдиган қилмаганида, мен сиз билан кўришар эдим», деган маънода бир шеър ёзиб қолдирибди. Кейинги гал келганида қабул қилдим. «Эски дўстинг, профессор Самойлович сени кўрмоқчи, бу унинг бир дўстлик туйғуси бўлса керак», деди. Мен эса унга: «Сендан қочишимнинг сабаби бирор сўз чиқмасин, деб қўрққанимдан. Самойлович менинг дўстим, аммо Советлар одамни қўлга олиш учун дўстидан ҳам, оиласидан ҳам фойдаланади. Самойлович бугунги кунда совет айғоқчисими ёки йўқми, қаёқдан биласан?» дедим.

Шойи матога босилган пуллар

Файзулла билан Бекжон Мулла типидаги шахслар – Хоразм ва Бухоро арбобларининг халқ олдидаги обрўлари юқори бўлди, улардан одамларнинг умиди катта эди. Ҳар икки ҳукумат шойи матога босиб пул чиқардилар. Хонлар хазинасини руслар ташиб кетдилар, хазина бўшаб қолди. Шундай бўлса ҳам бу ипак пуллар Керенский билан Совет пулларига қараганда қадрлироқ бўлди. Лекин бу ерга ҳам, Туркиядаги каби сўл йўналишдаги сиёсатда озодлик йўлини топиш умиди яшарди.

Қизилларнинг ҳар бир ҳаракатини маъқуллаб, шуларга дўст бўлиш, Советларга яқинлашиш, дунёга бошқачароқ қарайдиган доираларни йўқотишнинг жуда осон йўллари излаб топилди. Файзулла Хўжа ва унинг яқин кишилари шундай зотлардан бўлди, ўзлари жуда катта миллионер бойлар эдилар. Большевиклар Файзулла Хўжани унинг сингари бошқа миллионерларга қиёслаганда яқинроқ ва устунроқ қўйишларини сездиришга уриндилар. Алданганини кўриб, виждон азобига тушган Файзулла, бундан аввал бир қанча дўстларининг бошига етганидан кейин ўзи ҳам қийналиб ўлди.

Москвага боришига ҳожат қолмади

Хивадаги фаол Бекжон Мулла фақир бир идеалист муаллим эди. Ҳамма сўл фикрлардан хурсанд бўларди. Русча билмаганидан, РКПдаги рус сўлларининг кимлигини, уларнинг фикрларини яхши тушунмасди. 1918 йилда Оренбургга бизнинг ҳукумат билан гапиришга келган эди. Йўл топилса, Москвага бормоқчи бўлди. Ўзини бир байналмилалчи қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди ва шунинг учун Москвада ҳам иши юришишига ишонди. Бутун мақсади Хива хонлигини йўқотиб, Советлар ёрдамида, ёш хиваликлар билан биргаликда Советларнинг бир шарқ ҳукуматини тузиш эди.

Халқимизнинг Совет тузумини Бошқирдистонда ўрнатмаяжагини тушунтирган биринчи фармонни Бекжон Муллага ҳам ўқитдим. Советлар билан бирга ишлаб, кейинроқ улардан юз ўгирган миллатчи бошқирд коммунисти Салоҳ Аснағулов билан учраштирдим. Сўнгроқ:

– Нима қилиш керак? Сиз бу режимга ишонмайсиз. Хивада тажриба ўтказиб кўрмоқчи эдик. У ерда шартлар бошқачароқ. Мен ўзим адабиёт ва тарих муаллимиман. Совет режими даврида ҳам шу иш билан шуғулланмоқчиман, – деди у. Мен унга:

– Советларнинг фикрича, миллий турк тарихи ва адабиёти йўқ. Улар бизнинг миллатимизнинг энг гўзал даври Россия босиб олгандан кейинги давр деб тушунтиражаклар. Бирдан-бир бахт йўлингиз – Совет ҳокимияти берган йўл, деб сизларни сиёсий минбарларда гапиришга мажбур қиладилар. Хива хони Асфандиёрни йиқитиб, ўрнига миллий ҳукумат тузсангиз, жуда яхши. Лекин буларни Советлар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди, – дедим. Унинг Москвага боришига ҳожат қолмади. Балки бизнинг сўзларимиз таъсир этгандир, орқага қайтиб кетди.

1920 йил охирида, Хивадан кетишимиздан уч кун олдин, жумҳурият уйининг ичкари хоналарида учовимиз жуда очиқ гаплашдик. Хўжа Ниёз Советларнинг жумҳуриятни узоқ вақт яшатиб қўймаслигини тушунган эди.

Бекжон Мулла иқрори

Шўролар Хива ҳукуматини йўқотгандан кейин Бекжон Муллага: «Кел, сен сўл сиёсий арбоб эдинг, биргалашиб ишлайлик», деб ўтирмадилар. Қамоққа тушди, кўп азоблар кўрди, кейинроқ жазога тортилди. Қримнинг машҳур ёзувчиси ва шоири Шафқи Бектўра Туркистон ва Сибирь аваҳталари ва лагерларини узоқ кезиб ўтгандан кейин қутулиб, Истамбулга етиб келди. У бошқа бир дўсти билан Хива ёш сўл социалистларини, шу жумладан, Бекжон Муллани кўрган экан. Бекжон Мулла бизнинг Хивада учрашганлигимизни эслаб: «Чет мамлакатларга чиқиб, Туркистон озодлиги учун фойдали бўла олмадим», деб йиғлаган экан. Буни менга Истамбулга келган Бектўра айтиб берди.

(Давоми бор)

Шерали ТУРДИЕВ таржимаси асосида тайёрланди.

ЭНГ ҚИММАТ ДАСТХАТЛАР

Дунёга таниқли кишиларнинг дастхатини йиғиш XVIII асрдаёқ французлар орасида урфга кирган. Баъзилар учун бу тижорат воситасига ҳам айланган. Баҳоланиши, имзо чекилишига кўра бирон тарихий воқеага дахлдорлиги жиҳатидан машҳурларнинг энг қиммат дастхатлари бешлиги қуйидагича:

Уильям Шекспир – 4.6 млн доллар

Жон Леннон – 525 минг доллар



Альберт Эйнштейн – 74 минг доллар

Жими Хендрикс – 63 минг доллар

Жон Кеннеди – 38 минг доллар

Нил Армстронг – 12 минг доллар

> Киши характери ҳақида унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари, ёзуви ва ҳатто имзосидан келиб чиққан ҳолда хулоса чиқариш мумкин. Дарвоқе, графология айнан дастхат ва характер ўртасидаги боғлиқлик қонуниятларини ўрганувчи фандир. Маълум бўлишича, муайян имзони ўрганиб, унинг соҳиби тўғрисида баъзи маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бунинг учун эса қуйидаги омиллардан хабардор бўлиш лозим.

Имзонинг сири борми?

ЙЎНАЛИШИ

Характерида оптимистлик, қўйилган мақсадга интилувчанлик кучли бўлган кишилар имзосининг охири юқорига йўналтирилган бўлиб, улар қийинчиликларни енгиб ўтишда сабрли ва матонатлидирлар ҳамда муваффақиятсизликка учраганда, асло умидсизлик томон юз тутмайдилар. Бундай имзо ижодий фаолият билан шуғулланувчи ёки ижодга мойиллар орасида кўпроқ учрайди.

Охири тўғри йўналишли имзо оптимистик ва пессимистик кайфиятларнинг меъёрини сақловчи кишиларда кузатилади. Албатта, уларнинг характери шаклланувида атроф-муҳит муҳим аҳамият касб этади.

Агар имзонинг охири пастга йўналса, демак, унинг соҳиби характерида тезда тушкунликка тушиш, иродасизликни кузатиш мумкин.

УЗУНЛИГИ

Узун имзо одатда шошма-шошарликка йўл қўймайдиган, масаланинг моҳиятига етишга интилувчан, қатъиятли, шу билан бирга бироз қайсар, мижғов ва инжиқ кишиларда учрайди.

Агар имзо қисқа бўлса, бу тезкорлик белгисидир. Бундай кишиларнинг воқеа-ҳодиса ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, хулосалари бироз юзаки тусга эга. Сабаби, батафсил ва чуқур таҳлилни талаб этувчи ишларда сабр-бардошлари етмайди.

(Таъкидлаш жоизки, баъзи касб эгаларининг иккита имзоси бор. Бири расмий бўлса, иккинчисидан, яъни узунлиги бўйича қисқасидан кундалик иши давомида турли ҳужжатларга вақт ва жойни тежаш мақсадида фойдаланадилар).

Шунингдек, имзонинг ёзувидаги босимга ҳам аҳамият беринг. Масалан, ўзига ишончи баланд, қатъиятли кишиларнинг имзосидаги ҳарфлар нисбатан қалин бўлади.

БАЛАНДЛИГИ

Агар имзодаги бош ҳарф ўлчамлари бўйича қолганларидан фарқ қилса, бу – инжиқлик, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан ўта талабчанликдан далолат.

Аксинча, бош ҳарфнинг катталиги билинар-билинмас бўлса, унинг соҳиби камтарин, умуман олганда, ҳаётидан кўнгли тўқлигини билдиради.

Кичик ҳарфлар ақл-идрокка таяниб иш кўрувчи, тежамкор ва дангалчи, шунингдек, осонгина фикрини, диққат-эътиборини бир жойга йиға оладиган кишилар имзосида учрайди. Аммо жуда майда ҳарфлар зиқналик ва худбинликка мойиллик белгиси саналади.

Катта ҳарфлар эса хаёлпарастлик, анча ишонувчанлик, соддалик, керагидан ортиқча меҳрибонлик ва нотежамкорликдан хабар беради. Шунингдек, уларнинг ҳар ишда мустақилликка интилишларини англатади.

ШАКЛИ ВА ТУШУНАРЛИ ЁЗИЛИШИ

Юмшоқ табиатли ва босиқ, раҳмдил кишилар имзосидаги ҳарфлар кўпроқ думалоқ шаклга эга. Қиррали ҳарфлар жаҳли тез, сабрсиз, иззатталаб, қайсар инсонларга хос.

Тушунарли ёзилган ҳарфлар хатти-ҳаракатлари ён-атрофдагилар учун жумбоқ бўлишидан сақланувчи ва аслида кўпчиликка очиқ муносабатда бўлишга интилувчи кишилар имзоларида учрайди. Ўқиб бўлмас ҳарфларга кўзингиз тушдими? Билингки, бундай имзо соҳиби нисбатан худбин бўлиб, у учун ўзгалар фикри деярли аҳамиятга эга эмас.

ҚИЯЛИГИ

Тикка ҳарфлар ақл билан иш кўрувчи, босиқ ва баъзан қайсар кишиларга хос.

Ўнг томонга оғувчи (ҳаддан зиёд «ётиб» қолиш ҳолати бундан мустасно) ҳарфлар соҳиби одатда ўзгаларни тушунишга интилишидан далолат.

Чапга оғган ҳарфлар ўжарлик, талабчанлик, ён-атрофдагиларга ишончсизлик, баъзан эса носамимийлик белгисидир.

Бир имзонинг ўзида турли томонга оғган ҳарфлар учраса-чи? Бундай кишилар билан жиддий муносабатга киришишда бироз эҳтиёткор бўлинг. Сабаби, мақсадлардаги беқарорлик, инжиқлик, ўзини қўлга ололмаслик уларга хос бўлиб, одатда нима истаётганини ўзлари аниқ билмайдилар.

ЎЗАРО БОҒЛАНИШИ

Имзодаги барча ҳарфлар ўзаро боғланган бўлса, бу – мантиқий фикрлай олиш қобилиятидан далолат. Бироқ бу ҳолатда мушоҳада юритишда бироз чегараланиш мавжуд бўлиб, янги нарсаларни қийинчилик билан қабул қилиш кузатилади.

Ҳарфлар орасида оз миқдордаги узилишлар янги шарт-шароитга осон мослашувчанликни, реал воқеликни кўра билиш қобилиятини англатади.

Ҳарфлар ҳаддан зиёд узуқ-юлуқ бўлса, хаёлпарастлик, ён-атрофдагиларни кутилмаган хатти-ҳаракатлар билан лол қолдиришга, бошқаларнинг эътиборини тортишга бўлган кучли иштиёқдан дарак беради.

ОРАЛИҚ МАСОФАСИ ВА ТИЗИЛИШИ

Мазкур омилга таянган ҳолда кишининг қай даражада сахийлиги ва қўли очиқлигини билиш мумкин. Агар ҳарфлар оралиқ масофаси катта бўлса, бундай имзо соҳиби ўта сахий бўлиб, баъзан исрофгарчиликка ҳам йўл қўйиши эҳтимолдан холи эмас.

Қисман ёки бутунлай бир-бирининг устига чиққан ҳарфлар тежамкорлик, ҳатто зиқналик белгиси ҳамдир.

Ҳарфларнинг бир чизиққа тизилгандек текис жойлашуви ҳис-туйғуларни жиловлай олиш ва босиқликдан, мулоҳаза билан фикрлай олиш қобилиятидан далолат. Аксинча, ҳарфлари «ўйнайдиган» имзо соҳиби таъсирчан ва ҳиссиётларга берилувчанлиги билан ажралиб туради.

БЕЗАКЛАР

Имзосининг остидан чизувчилар бошқаларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан жуда қизиқадилар, тез ва узоқ вақтгача кек сақлайдилар.

Устки томондан чизилган имзо мағрурлик ва юқори чўққиларни кўзлашдан дарак беради.

Имзо охиридаги «думча»нинг узун бўлиши эҳтиёткорлик, танқид ва буйруқларни кўтара олмасликдан нишона.

Имзонинг ўзини чизувчи инсонда кўп иккиланиш ва шубҳаланиш, ўзидан қониқиш ҳосил қилмаслик ва ўзига нисбатан танқидий кўз билан қараш устунлик қилади.



ТУРЛИ ҲАЛҚАЛАР

Одатда, ўйларини ошкор қилмайдиган ва мустақилликни хуш кўрувчи, баъзан «ичимдагини топ, дейдиганлар» типидаги кишилар имзони ҳалқага оладилар. Ҳалқанинг катта-кичиклиги эса юқоридаги хусусиятларнинг қай даражада кучли ёки кучсизлигини англатади.

Шунингдек, ҳалқа қайсарлик ва ўжарлик, эҳтиёткорлик, бирор ғоя ва муаммоларга ҳаддан зиёд берилувчанлик белгиси ҳамдир.

НУҚТА

Умуман олганда, нуқтанинг мавжудлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. У имзо бошида бўлса, бундай киши ҳар ишга обдан тайёргарлик кўриб, етарли маълумотларни тўплагандан кейингина киришади. Имзо охиридаги нуқта эса бошлаган ишни якунига етказишга кучли интилиш ва масъулиятлиликдан далолат беради.

ФАРҚЛАНИШ

Тинч ҳолатда, бироқ турли вазиятларда имзони ҳар хил тарзда қўядиган инсонларнинг ён-атрофдагиларга нисбатан муносабати бир хил эмас. Яъни ўзи учун муҳим кишилар олдида ўзининг ижобий хислатларини кўрсатса-да, кундалик ҳаётда бошқалар учун лоқайд ва бепарводир.

Шунингдек, киши дунёқарашининг кенгайиши, характери шаклланувида вақт ўтиши билан имзодаги ўзгаришларда ўз аксини топиши мумкин.

ИМЗО АМПЛИТУДАСИ

Агар имзо ўлчамлари бошидан охири томон кичрайиб борса ёки чизиқ билан якунланса, унинг соҳибидаги ишчанлик, куч-қувват ва қизиқиш фаолиятнинг якунига қараб сўниб боради ва унда асабийлашиш, чарчоқ аломатлари сезилади. Шунингдек, бу нозик дид ва устамонлик белгиси ҳамдир.

Имзодаги ўсиш охиридан бош томон бўлса, унинг соҳиби иши давомида фаолликни ошириб боради. Дарвоқе, бундай кишилар сир сақлай олмайдилар.

Имзонинг бир текис бўлиши барқарор ишчанлик қобилиятидан, меҳнат ва шахсий ҳаётда мувозанатни сақлай олишидан далолат.

Камолиддин ХУДОЙНАЗАРОВ тайёрлади.

БИЗ ЯШАЁТГАН ДУНЁ

«МЕН БЎШМАН!»

Болливуднинг блокбастер фильмидаги жанг саҳналаридан бири: икки томон бир-бирига тинмай ўқотор қуролдан ўқ узмоқда. Фильм қаҳрамони ўқотар қуролидан тўхтовсиз ўқ узганидан сўнг ўзини панага оларкан, ёнидаги шеригига юзланди:

– Мен бўшман!

– Қайси маънода?! – сўради шериги дабдурустдан айтилган бу гапга тушунмай.

Экшн саҳнани катта қизиқиш билан кузата туриб, ушбу суҳбатни эшитсангиз, албатта, юзингизга табассум югуради (хориж фильмларидаги диалоглар мана шу хусусияти ва жозибаси билан мени доим лол қолдириб келган).

«Омади чопган» бош қаҳрамонлар

Ушбу саҳнани кўргач, ўзимга савол бердим: мана шунақа отишмаларга бой фильмларда бош қаҳрамонлар тинмай ўқ узади, бир ўзи бутун бошли душман жангчиларини тинимсиз ўққа тутиб, тутдек тўкиб ташлайди. Лекин бош қаҳрамонни отиш учун қулай имкониятга эга бўлган рақибнинг эса доим ё ўқи тугаган ё қуроли носоз бўлиб чиқаверади. Фильмнинг бошидан-охиригача роль ўйнашга «мажбур» бўлган бош қаҳрамоннинг эса ўқлари ҳеч ниҳоясига етай демайди, қуроли ҳам сира панд бермайди. Кейин ўйлаб қоламан, ўзи ўқотар қуроллардан тўхтовсиз ўқ узилса, унинг ўқдони неча дақиқа, йўғ-е, сонияда бўшаши мумкин?

«Discovery» каналида «Myth Busters» деган дастур бор. Унда кўрсатув ижодкорлари тажриба ўтказиш орқали турли «афсона»ларнинг ҳақиқатдан йироқ эканини исботлашга ҳаракат қилишади. Аксарият ҳолларда бунинг уддасидан чиқишади ҳам. Ўша дастурнинг бир галги сонида унинг ижодкорлари худди юқорида мени қийнаган савол – ўқотар қуролдан тинимсиз ўқ узилса, унинг ўқдони неча сонияда бўшашига жавоб излашди. Буни аниқлаш учун эса энг замонавий пистолет ва автоматлар танланди. Қарангки, тажрибалар ҳар қайси қуролдан узлуксиз ўқ узилганида уларнинг ўқдони 2 сониядаёқ бўшашини исботлади. Оқибатда дастур муаллифлари Голливуд фильмларидаги отишма саҳналари бўрттириш ва муболағадан бошқа нарса эмас, деган хулосага келишди.

Аслида қандай?

Тўғри, кинодаги воқеалар ҳаётдан олинади, лекин ҳаёт кинодан олинмайди. Шу боис Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчига ўзи фойдаланаётган ўқотар қурол имкониятларини тўғри баҳолай олиши кераклиги қатъий уқтирилади. Шу ўринда, келинг, биз ҳам айрим замонавий ўқотар қуролларнинг техник хусусиятлари ва имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Дунё мамлакатлари Қуролли Кучлари орасида энг кенг тарқалган автоматлардан бири бу – М4. Унинг ишлаб чиқарилиш индекси – Colt Model 920. Ушбу ўқотар қурол М16А2 автомати асосида 1994 йилда АҚШда ишлаб чиқарилган. Дастлаб уни фақат ҳарбий ва жанговар машиналарга ўрнатишни мақсад қилишган. Шунга қарамай АҚШ Махсус операциялар қўмондонлиги уни Американинг барча махсус кучлари учун ягона қурол сифатида қўллашга қарор қилган. Айни вақтда бутун АҚШ армияси мазкур қуролдан фойдаланади. Америка ҳарбийларининг кўпчилик қисми мотоўқчи эканлиги боис М4ни улар жанговар техникаларга ўрнатиб эмас, қўлда фойдаланишни афзал билишди. Чунки у турли шароитларда қўллаш учун жуда қулай, жанговар техникаларга ўрнатилганида эса барча имкониятларидан фойдаланиш мураккаблик туғдиргани сабаб ноқулай эди.

М4 автомати битталик нишонга 500 метр, гуруҳли нишонга 600 метр масофадан самарали саналади. Автомат 5.56 мм калибрли ўққа мўлжалланган. Ўқдонлари ҳам турли сиғимга эга: 30, 40, 60 та ўқли, шунингдек, 100 та ўқ жойлаш мумкин бўлган барабанли ўқдони ҳам бор. У дақиқасига 700 – 900 та ўқ отиши мумкин. Автоматнинг қўшимча вазифа бажарувчи воситалари ҳам бор: 40 миллиметрли М203 ствол ости гранатомёти, нишонга олувчи лазер, оптик нишонлагич, овоз сўндиргич ва тактик чироқ. Автомат барча қўшимча воситалари билан жами оғирлиги 3,6 килограммни ташкил этади.

АҚШдан ташқари кўплаб мамлакатлар ўз Қуролли Кучларини М4 автомати билан таъминлаган. Уларнинг баъзилари билан танишинг: Британия, Австралия, Ҳиндистон, Исроил, Ирок, Индонезия, Таиланд, Сингапур, Италия, Япония, Панама, Янги Зеландия, Польша, Португалия, Чили, Бирлашган Араб Амирликлари, Украина, шунингдек, бизга қўшни давлатлар – Қозоғистон ва Афғонистон.

Эслатма ўрнида

Сизу бизга яхши таниш бўлган, дунё мамлакатлари армиясида кенг тарқалган яна бир автоматлардан бири бу – Калашников автомати, яъни АК. Очиқ маълумотларга таянадиган бўлсак, дунё бўйича бугунги кунга қадар 105 миллион дона АК модификациясидаги автоматлар ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич билан АК модификацияли ўқотар қурол миқдори бўйича жаҳонда мавжуд автоматларнинг бешдан бир қисмига тенг. Ҳозирда дунёнинг 50 га яқин мамлакатлари ўз Қуролли Кучларини мазкур автомат билан таъминлаган. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

АКнинг конструкцияси 1947 йилда Михаил Тимофеевич Калашников томонидан ишланган. Қурол 1949 йилда собиқ совет қўшинларида қўлланилиш учун қабул қилинган. Бу қуролдан оммавий тарзда биринчи марта 1956 йили Венгриядаги қўзғолонларни бостиришда фойдаланилган. Кейинчалик Вьетнам, Афғонистон, Ироқдаги урушларда ҳам кенг қўлланилди. АКнинг дастлабки вариантларининг оғирлиги 4,3-4,8 кг бўлган. Замонавий кўринишларининг вазни эса 3,8-4,3 килограммни ташкил этади. Ўқдонига 30 та 7,62 миллиметрли ўқ жойлашади. Маълумки, Калашников автоматининг отиш тури уч хил: битталик, жанговар кетма-кетлик (3 талик) ва техник (узлуксиз). Битталик режимда отилганида бир дақиқада 40 тагача, жанговар кетма-кетлик режимида 100 тагача, техник, яъни узлуксиз режимда эса 600 тагача ўқ узиш мумкин.

АКдан чиққан ўқнинг дастлабки тезлиги сониясига 715 метрга етади ва 3 километргача учиб боради. Аниқ мўлжалга олинса, 1 500 метргача бўлган нишонга жиддий зарар етказиши ва ҳалок қилиши мумкин, лекин одатда бу автоматдан 800 метргача аниқ нишонга олиш мумкин холос. Мерганлик бобида тенгсизлар бу автоматдан минг метрдан узоқдаги нишонни ҳам уриши мумкин.

Бир ўқ қадри

Мақоламиз бошида берилган саволга жавоб топгандекмиз. Демак, кинофильмлар бизда нореал тасаввурларни пайдо қилар экан. Автоматларнинг ўқ отиш тезлиги ва ўқлари сони чекланганини ҳисобга олсак, узлуксиз отиш учун ҳар икки сонияда ўқдонни алмаштиришимизга тўғри келади. Балки фильмларда ўқдонни алмаштирган жойлари кесиб ташланар?!

Миллий армиямиз ҳақидаги қадрдон «Остона» сериалини кўпчилигимиз томоша қилганмиз. Ундаги оддий аскар Баратов (Валижон Шамсиев ижро этган) образи ўз характери билан томошабиннинг узоқ ёдида қолади. У автоматдан битталаб ўқ узиш илмини пухта эгалламаган бўлади. Ёдингизда бўлса, тоғли чегарада жанговар навбатчилик ўтаётган Баратовнинг гуруҳига душман қўққисдан ҳужум қилади. Тўқнашувда Баратов узлуксиз ўқ узади ва ўқдонида атиги биттагина ўқ қолганини кўради. Шундай бўлса-да, у чегарани бузиб ўтган жиноятчиларни таъқиб этишда давом этади. Энди у ўқни беҳуда сарфламай, ақлни ишлатиш кераклигини тушуниб етган эди. Шу аснода оддий аскар Баратов ўқдонидаги битта ўқ билан жиноятчиларни тўхтатиб қолади.

Бугунги замонавий дунёда жанговар тўқнашувлар тақдирини куч ёки ўқларнинг ҳажми ва сони эмас, ақл-идрок ҳал қилишини яхши биламиз. Нишонга тегса-тегмаса «тариллатиб» ўқ узиш ҳам ақлдан эмас. Ижобий натижага эришиш учун стратегия, аниқ режа ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш керак бўлади. Куй авжида узилмасин тор, деганларидек, душманни ер тишлатишга бир баҳя қолганида ўқдонингиз бўшаб қолса, додингизни кимга айтасиз?

Хулласи калом, сизга айтмоқчи бўлганларим ҳозирча тугади. Энди мен ҳам «бўшман». Сўздонимни тўлдириб олгач, яна газета саҳифаларида кўришармиз...

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
журналист

ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

Postda На посту

Газетамизнинг бу галги меҳмони «Postda» ва «На посту» газеталари 1930 йил 12 майда ташкил топган. Отахон ёшни қаршилаб, тарих саҳифаларидан жой олаётган бу нашрлар бугун кўп сонли муштарийларига эга. Ижодий жамоа газетхонларнинг талаби ва таклифидан келиб чиққан ҳолда соҳадаги илғор тажрибалар, янгиликлар ва ташаббусларни кенг оммага етказиш, соҳа фидойиларининг машаққатли хизматини, жасорату қаҳрамонликларини ёритиш ҳамда нашрларни янада қизиқарли ва оммабоп бўлиши учун ҳормай-толмай ижод қилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, ижодий жамоани, ҳамкасбларимизни қутлуғ сана, улуғ байрам билан табриклаймиз. «Postda» ва «На посту» газеталари яна кўп даврлар кўнгилларга маърифат зиёсини улашсин, деб тилак билдириб қоламиз. Яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Таҳририят

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

«ОФАТ ЁПИРИЛГАН ПАЙТНИ СЎЗ БИЛАН ИФОДАЛАБ БЕРОЛМАЙМАН»

Ҳамма уйқуда бўлган, тун ўз пардасини йиғиштириб, атрофга ёруғлик энаётган бир пайтда Сардоба тумани ИИБ ҲПБ профилактика инспектори катта лейтенант Отабек Бегматовнинг телефони эрталабки сукунатни бузганча асабий жиринглади. Бу пайтда соат миллари 4:30 ни кўрсатиб турарди. Ўта масъулиятли, куннинг ҳар қандай вақтида хизматга тайёр туришга ўрганган Отабек дарров яшил тугмани босиб, телефонни қулоғига тутди. Ундаги хабарни эшитиб, бирдан ранги оқарди, жойидан сапчиб туриб кетди. «Хўп бўлади», деди-ю, кийимини апил-тапил кийганча ташқарига отилди...

«Фавқулодда ҳолат! «Сардоба» сув омбори ўпирилибди. Сув сизлар томонга бостириб келяпти. Тез одамларни уйғот, уларни қутқар!» Отабекнинг миясида ҳозиргина телефонда эшитган шу сўзлар ғужғон айланарди. Ташқарига чиқиб, сув омбори томондан келаётган ваҳимали овозни эшитди. Бу мўр-малахдек бостириб, йўлида учраётган ҳар қандай нарсани вайрон қилиб келаётган тошқиннинг овози эди.

Буёғига унинг ҳаракатлари янада тезлашиб кетди. Овоз кучайтиргичда жонҳолатда бақириб, аҳолини уйғотишга ҳаракат қилди. Ташқарига чиққанларни фақат керакли ҳужжатларини олганча хавфсиз жойга қочишга ундади.

Халқимиз бежиз *«Сув балосидан асрасин»*, демаган. Қўрғонтепа маҳалласига кириб келган офат бир зумда ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Ҳамма ўзини хавфсиз жойга олишга уринар, саросималик борган сари авж оларди. Катта лейтенант Отабек Бегматов ва бошқа осойишталик посбонлари, кўнгиллилар тўғри келган транспорт воситасига баҳоли қудрат аҳолини жойлаб, уларни сув омборига қарама-қарши томонга, хавфсиз ҳудудга пайдар-пай жўната бошлади. Кимдир яқинини излаб бақирар, яна кимлардир дод солиб йиғлар... Бу маҳалда сув маҳалла ҳудудига анча кириб келган, сония сайин унинг сатҳи кўтарилиб борарди.

Шу пайт сув босган томондан бир фуқаро ёрдам сўраб бақирди. Отабек овоз келган томонга қараги-ю, ўйлаб ҳам ўтирмай ўзини сувга отди. Ваҳшат билан ҳамма нарсани домига тортаётган бўтана сув ичидан фуқарони олиб чиқишга улгурди. Хиёл ўтмай бошқа томондан боланинг чинқириб йиғлагани эшитилди. У ўша томонга ошиқди. Уй ичида қўрқувдан даҳ-даҳ титраётган икки болага кўзи тушди. Улар томон ҳаракатланган пайтда ортидан ёрдам учун келган яна кимнидир кўрди. Улар биргаликда болаларни кўтариб, хавфсиз жойга олиб чиқишди. Ташқарига чиқишганида маҳаллани деярли сув босган, аҳоли транспорт воситаларида хавфсиз жойларга кўчирилганди.

– Халқимиз *«сув борган жой обод бўлади»*, дейишади. Лекин қандайдир сабаблар билан унинг халқ бошига қанчалик

офат олиб келишини ҳам ўша куни ўз кўзим билан кўрдим, – дейди шу куни қутқариш ишларида иштирок этган маҳалла фаоли Абдуҳошим Азимов. – Сув балодек ёпирилди. Яхшиям, ички ишлар органи ходимлари вақтида хабар беришди, аҳолини уйғотиб қутқаришди. Бўлмаса, бу офат бундан-да аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Профилактика инспектори катта лейтенант Отабек Бегматов эса шу куни ҳақиқий ватанпарварлигини, халқнинг оғир кунига ярашини амалда исботлади. Охирги дақиқагача, аҳоли буткул хавфсиз жойга кетгунича шу ерда турди. Одамларни қутқарди.

– Офат ёпирилган пайтни сўз билан ифодалолмайман, – дейди катта лейтенант Отабек Бегматов. – Ёпирилиб келаётган пўртанани кўриб, бир-икки дақиқада гўё бутун оламни сув босадигандек тасаввур пайдо бўлар экан кишида. Бу манзарадан ҳар қандай жасур киши ҳам саросимага тушиб қолиши турган гап. Тўғрисини айтсам, аввалиги мени ҳам ваҳима босди. Лекин таҳликага берилишга ҳаққим йўқ эди. Одамлар ёрдамга муҳтож эди...

Бугун аҳоли секин-аста яшаш манзилларига қайтмоқда. Айни пайтда профилактика инспектори катта лейтенант Отабек Бегматовнинг иши янада кўпайган. У бошқа ҳамкасблари, забардаст халқи билан ҳудудни вайроналардан тозалашга, биноларни тиклашга киришган. Бошқалар қатори у ҳам яқин вақтларда маҳалласи янада кўркам ва обод бўлишига ишонади.

Фозилжон МАМАШАРИПОВ,
«Postda» мухбири

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ

ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ СЛУЖБА

Работа не терпит ошибок

Случай этот произошел осенью прошлого года. В одном из домов Туракургана, что в Наманганской области, была зафиксирована кража. Владелец дома, обнаружив, что у него побывали «незваные гости», написал заявление в местное подразделение внутренних дел. На основании заявления следователь следственного отделения при Туракурганском РОВД возбудил дело.

За раскрытие преступления взялся и специалист экспертно-криминалистической группы. Он поставил перед собой задачу – найти ответы на вопросы: пригодны ли для идентификации личности оставленные на месте происшествия отпечатки пальцев, перенесенные на скотч? Если да, то кто их оставил? Для идентификации было необходимо сравнить их с имеющимися в базе данных ЭКО УВД. Оказалось, что одни «пальчики» принадлежали хозяину дома, другие – его соседу. Довершили дело следователи.

В своей работе эксперт-криминалист может столкнуться с различными ситуациями. Улики, фигурируемые в деле, должны пройти проверку и быть «железно» обоснованными, так как могут сыграть важную роль в раскрытии преступления. Криминалистика не терпит ошибок. Назвать человека преступником или же оправдать его можно, лишь основываясь на фактах.

Герой моего повествования – майор Аъзам Бабаев является старшим экспертом экспертно-криминалистической группы Туракурганского РОВД Наманганской области. Вышеизложенный случай – один из многих в его служебной деятельности. Он имеет доступ к проведению экспертиз по трасологии, баллистике, технико-криминалистической экспертизы документов, к базе АДИС «Сонда».

Вот еще один случай из служебной практики Аъзама Бабаева. В прошлом году на 66-м километре автомобильной дороги «Наманган-Пунгон» столкнулись две машины – KIA BONGO 3 и «ИЖ-2715». В результате пострадали два пешехода – женщина и ее шестилетний сын. Перед специалистом экспертно-криминалистической службы была поставлена задача: установить наличие вблизи места происшествия фрагментов автомобильного «железа». Действительно ли эти детали отлетели от машин вследствие столкновения? В ходе исследования проверялись форма, размеры найденных фрагментов, то, к каким автомобилям они относятся, их сопоставляли с теми местами в авто, где должны были находиться аналогичные детали. Результаты трасологической экспертизы доказали, что найденные детали принадлежали автомобилю, по вине которого произошло ДТП.

В деятельности экспертов-криминалистов важную роль играет техническая оснащенность. К сожалению, в Туракурганском РОВД нет возможности проводить все виды экспертиз, поэтому приходится прибегать к помощи коллег из экспертно-криминологического подразделения УВД Наманганской области.

В ходе предварительного следствия по одному из совершенных преступлений на месте происшествия была обнаружена стодолларовая купюра. Нашему эксперту было дано задание установить ее подлинность. В ходе исследования банкноты были задействованы все необходимые средства проведения экспертизы и в результате была доказана подлинность купюры.

В беседе майор Аъзам Бабаев рассказал о том, какие исследования он проводит, показал используемые оборудование и средства.

В 2019 году эксперт-криминалист майор А. Бабаев вместе с опергруппой 235 раз выезжал на места происшествия, провел 247 экспертиз и исследований. В результате удалось раскрыть немало преступлений по горячим следам.

Многое в этой профессии зависит от профессионализма, внимательности и качественной работы эксперта. Ошибок данная работа не терпит.

А. ЖАНИЕВА,
корреспондент «На посту»
Наманганская область

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ФИРИБГАР

Қува туманида истиқомат қилувчи Х. Козим (исмлар ўзгартирилди) «Матиз» русумли шахсий автомашинасида тегишли равишда рухсатнома олмасдан йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланган учун йўл-патруль хизмати ҳамда Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ходимлари иштирокида баённома расмийлаштирилиб, унинг автоулови вақтинча жарима майдонига олиб кирилди.

Козим аслида соддагина йигит. Йўловчи ташиш билан шуғулланиш учун махсус лицензия олиш кераклигини эшитган бўлса-да, бунга ҳафсала қилмаганди. Натижада эса, мана, жарима тўлайдиган бўлиб турибди.

Автомашинаси жарима майдонига олиб кириб қўйилгач, Козим пиёда кетаётиб, туман марказида танишларига рўпара келди.

Салом-алик қилди, кейин бўлган воқеани айтиб, улардан маслаҳат сўради.

– Шунгаям бўғилиб юрибсизми, ака? – деди уларнинг гапларини эшитиб турган нотаниш бир йигит суҳбатга қўшилиб. – Қанча жарима тўлашингизни биласизми? – Хоҳласангиз, машинангизни бир кундаёқ олиб чиқиб бераман.

– Йўқ, билмайман, катта жарима ёзиб беришармикан?

Нотаниш йигит Козимнинг соддалигини дарров пайқаб, уни алдашда давом этди:

– Эҳ, ака, ҳали судга қатнайсиз, камида бир ҳафта у ёқдан-бу ёққа югурасиз. Кейин эса икки миллиондан ошиқ жарима тўлайсиз.

– Йўғ-э, – Козимнинг капалаги учиб кетди.

– Яхши одамга ўхшайсиз, ёрдам қиламан сизга, ака, – деди йигит гапини давом эттириб. – Майли, 100 «кўки»дан берасиз. Ўзим ҳужжатларни жой-жойида қилиб, машинангизни олиб чиқиб бераман.

– Иложи борми, ахир? – Козим худди тилла балиққа дуч келган одамдек қувониб кетди. – Ёрдам қилинг, ука. Майли, 100 доллар бўлса, бераман. Машинамни олиб чиқиб берсангиз бўлди.

Козимнинг соддалигидан фойдаланиб, уни чув туширишга уринган бу йигит шу туманда яшовчи Т. Шермат эди. Содда фуқароларни алдаб, пул ишлашнинг ҳадисини олган бу йигит навбатдаги «ўлжа»си осонгина қармоққа илинганидан хурсанд бўлди.

Шундай қилиб, улар ўзаро келишиб олгач, Шермат Козимни етаклаб, Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Қува туманидаги бўлимига олиб борди. Уни кўчада қолдириб, ўзини гўё ишни ҳал қиладигандек тутиб, идорага кириб кетди.

– Бўлди, ака, ишингиз ҳал бўлди, – деди у идорадан қайтиб чиққач. – Тегишли одам билан гаплашиб қўйдим. Эрталабга ҳужжатлар тайёр бўлади. Машинангизни олиб чиқамиз.

Козим Шерматга 100 АҚШ долларини бериб, уйига кетди. Улар эртаси куни эрталаб учрашишди.

– Мана, ҳужжатлар тайёр, – деди Шермат. – Юринг, машинангизни олиб чиқамиз.

Шундан сўнг улар жарима майдончасига борди. Ҳужжатни қоровулга бериб, автомашинани олиб чиқишди.

Ишнинг бу тарзда осон битганидан Шерматнинг ўзи ҳам, автомашина эгаси Козим ҳам жуда хурсанд эди. Аммо бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Қоровулга қолдириб кетилган сўровномани кўздан кечирган мутасаддилар ундаги сана ва имзога қараб шубҳаланишди. Чунки сўровнома берилган сана якшанба кунига тўғри келганди. Бу ҳақда туман ички ишлар бўлимига хабар берилгач, ҳаммаси ойдинлашди.

Тергов жараёнида аниқланишича, Шермат автомашинани қонуний эгасига қайтариш тўғрисидаги сўровнома ҳужжатларидан бирининг нусхасини қўлга киритиб, Қува шаҳар марказида жойлашган компьютер хизматлари кўрсатиш шохобчасига боради ва у ерда ҳужжатни қалбакилаштиради. Хусусан, туман маъмурий суди раисининг имзоси ва суд штампи туширилган ҳужжатни рангли принтер ёрдамида алоҳида қоғозга чиқариб, унга керакли ёзувларни киритади. Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб ўзининг бу қинғир ишини амалга оширади.

Ҳар қандай қинғир иш куни келиб фош бўлиши, жиноятга жазо муқаррарлиги ҳаётда ўз исботини топган. Ҳолат юзасидан ўтказилган судга оид хатшунослик ва ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси хулосасида ҳам Шерматнинг қилмиши яна бир бор ўз тасдиғини топди. Натижада унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тўпланган материаллар судга тақдим этилди. Шермат қилмишига яраша жазога ҳукм қилинди.

Майор Фарҳод ЭРГАШЕВ.
Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири
Фарғона вилояти

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ИМКОНИЯТ ТАШАББУСГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Тикувчи аёллар ҳақида сўз кетганда уларга нисбатан «қўли гул чевар», деган таъриф берилади. Бу сўз аёл яратувчанлиги, унинг тикиш борасидаги маҳорати, истеъдодига берилган энг юксак баҳо, энг яхши эътироф, аслида.

Ҳар хил матодан гўзал ва бежирим буюм ва либослар яратаётган тикувчининг чаққон ҳаракатларини кузатганмисиз? Гўё у сизнинг назарингизда эртакдаги сеҳргарга ўхшайди. Чунки оддийгина матолар тикувчининг меҳнати билан чиройли кийим-кечакларга, уст-бошларга айланади. Ана шунда матодан гўзаллик яратишга қодир чеварларимизнинг меҳнатига тан берасиз. Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги ҳарбий шаҳарчада ташкил қилинган тикув цехида ҳам ана шундай қўли гул чеварлар ишлайди.

Биз тикув цехида ҳунар ўрганиш билан бирга уни амалиётга татбиқ қилаётган аёлларни иш устида учратдик. Эътиборли жиҳати, уларнинг барчаси ҳарбий оила бекалари. Аёлларнинг айтишича, улар цехда иш бошлагунга қадар тикиш-бичиш бўйича етарли малакага эга бўлмаган эканлар. Нилуфар Дадажонова ва Матлуба Мўминовадан қисқа вақт мобайнида тикиш сирларини мукаммал ўрганишибди. Бугун бу аёллар тикаётган кийим-кечаклар, трикотаж буюмлари, кўрпа-тўшак жилдлари ҳар қандай чет эл маҳсулотидан қолишмайди. Шунинг учун ҳам ташкил қилинганига ҳали кўп вақт бўлмаган цехда тикилаётган кийим-кечакларга талаб кучли, буюртма берувчиларнинг кети узилмайди.

Тикув цехи бош тикувчиси Нилуфар Дадажонова андижонлик. Болалигидан тикувчиликка меҳри тушган Нилуфар мактабнинг юқори синфида ўқиб юрганида маҳалладаги номдор тикувчига шогирд тушади. У жуда зеҳнли қиз эди. Шу сабабли устозидан тикиш-бичишнинг сиру синоатини жуда тез ўзлаштиришга эришди. Устозидан оқ фотиҳа олиб, мустақил фаолият бошлаган ёш тикувчининг тиккан кўйлаклари бирпасда кўпчиликнинг тилига тушади.

– Ўша вақтларда барибир тажрибасиз эдим. Чунки тикилиши ва бичилиши қийин кийим-кечакларни тикишни билмасдим-да. Шунинг учун кейинчалик «Машҳура» ўқув марказида малака оширдим, замонавий кийим-кечакларнинг тикилиш услубини, эркаклар уст-бошларини, болалар кийим-кечакларини тикишни мукаммал ўргандим, – дейди у. – Устозим ҳар доим: «Чеварлик ҳам игна билан қудуқ қазишдек гап. Шу боисдан ҳам тикувчи биринчи навбатда сабр-тоқатли, чинакам ижодкор бўлиши, шу билан бирга, гўзалликни тезда илғай олиши ҳам керак бўлади. У либос тикилаётган матонинг сифати, рангига қараб, андоза ола билиши керак. Бунда эса энг аввало, кийим тиктираётган мижознинг ранги рўйи, қадди-қомати ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур. Ана шунда унга қандай бичим мос келишини дарҳол кўз олдингга келтирасан. Ёдингда тутгин, чеварга биринчи баҳо у тиккан чокларга қараб берилади. Шундай экан, ҳеч бир ишни қўл учида қилмагин», дерди. Бу ўгитларга, кўрсатилган йўл-йўриқларга шу кунгача амал қилиб келяпман.

Йиллар ўтди. Нилуфарнинг тажрибаси ошди. У урф бўлган либослар бичимидан мутлақо янги, ўзига хос бичимлар яратишга эришди. Ҳатто, ҳарбий либослар тикишни ўрганди. Вақт ўтиб, у ва шаҳарчанинг яна бир моҳир чевари – Матлуба опанинг қалбида эгаллаган ҳунарларини маҳалладаги бошқа аёлларга, қизларга ҳам ўргатиш истаги пайдо бўлди. Бу ташаббусни маҳалладошлари ҳамда маҳалла фаоллари ҳам қўллаб-қувватлашди, ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан цех учун алоҳида жой ажратилди.

– Айни вақтда тикув цехимизда олти нафар аёлни иш билан таъминлаганмиз, – дейди Матлуба Мўминова. – Яна ўнга яқин аёллар шогирд тушган. Буюртмаларимиз кўп. Ҳатто, баъзида улгуролмай қоламиз. Мен аёлларнинг тикувчиликка қизиқишидан руҳланаман. Уларнинг ҳунарли бўлиши учун оз бўлса-да ҳиссамни қўшаётганимдан кўнглим тоғ қадар юксалади...

Муаллиф суратга олган

Ҳа, тикувчи учун амалиёт катта мактаб вазифасини ўтайди. Яъни тикув машинаси қаршисида қанча кўп ўтирсангиз, шунча маҳоратингиз сайқалланади. Энг асосийси, етук чевар даражасига етишасиз. Таҳсинга сазовор жиҳати, мазкур цехда фаолият юритаётган бекаларимиз амалиёт давомида нафақат аёллар, балки болалар ва эркаклар уст-бошларини тикишни ҳам астойдил ўзлаштиришяпти, билмаганларини ўрганишяпти. Келинг, шу ўринда цехда фаолият юритаётган аёлларнинг фикрларига қулоқ тутсак.

– Олий маълумотлиман. Мутахассислигим дефектолог, – дейди Гулжаҳон Қодирова. – Айни вақтда фарзанд тарбияси билан машғулман. Тикувчиликка қизиқишим баланд. Шунинг учун ишга чиққунимча уйда бўш ўтирмай, бичиш-тикишни ўрганмоқчиман. Бу фикримни турмуш ўртоғим ҳам маъқуллади. Ҳали ўзим мустақил кийим тикмадим. Ҳозирча бичишни ўргандим. Ишонасизми, борган сари тикувчиликка меҳрим ортяпти. Тикувчиларни бежиз мўъжиза яратувчилари, дейишмас экан...

– Оилали аёл тикишни билиши керак. Ахир қозонтутқич, пешбанд, ёстиқжилд ва ҳоказоларни тикишни билсангиз, оилавий бюджетингизга ҳам фойда-да, – дейди яна бир суҳбатдошимиз Гулноза Зоилова. – Шаҳарчамизда тикув цехи очилаётганини эшитганимда жуда хурсанд бўлдим. Кейин цехга биринчилардан бўлиб ишга кирдим. Ҳозир тикишга бинойидек қўлим келишиб қолди. Яқин орада ўзим мустақил кийим тиксам керак.

– Ўрганган ҳунаримни ҳаётдаги ютуғим, деб ўйлайман. Энг асосийси, мен ҳам меҳнат қилянман, оиламга фойдам тегяпти. Бундан жудаям бахтиёрман, – дейди Табассум Бозорова. – Цехдаги аёллар билан жуда аҳилмиз. Худди опа-сингиллардек. Шунинг учун ҳар куни иш жойимга шошаман. Ҳаётим янаям мазмунли бўляпти. Кейинчалик вақти келса мен ҳам мустақил фаолият юритиб, тадбиркорлик билан шуғулланарман. Ахир бунинг учун мустақил юртимизда барча шарт-шароитлар етарли. Энг муҳими, келажакдаги режалар учун бугундан замин ҳозирлашга ҳаракат қиляпман...

Хайрли ишнинг йўли ҳамиша очиқ бўлади, деб бежиз айтишмайди. Аслида бир инсонга ҳунар ўргатиш энг савобли амалдир. Истагимиз, яхшиликни умрининг мазмуни деб билган, эзгу ишга бош қўшаётган аёлларимиз сафи кенгаяверсин.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

ЖАРАЁН

«Ҳарбий хизматчининг фарзанди эканимдан фахрланаман...»

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ бошқарув аппарати катта мажлислар залида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга киришлари учун тавсияномалар тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда округ қўшинларида хизмат қилаётган 114 нафар, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган, ярадорлик ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган 19 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандлари шундай тавсияномалар билан тақдирландилар.

Имтиёзли тавсияномани қабул қилиб олган ёшлар дилида қувонч, шукроналик ҳамда эртанги кунга ишонч ҳислари мавж урмоқда. Ватан ҳимоячиларининг фарзандларига берилган бу каби юксак эътибор уларнинг келажакда юқори марраларни забт этишларида қўш қанот вазифасини ўтайди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ матбуот хизмати

Мудофаа вазирлигида армия спорти такомиллаштирилади

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида армия спортини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ҳукумат қарори (292-сон, 19.05.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Мудофаа вазирлиги Спорт клуби Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказига айлантирилди.

Марказ вазирлик марказий аппаратининг мустақил бошқармасига тенглаштирилган муассаса ҳисобланади.

Оммавийлаштирилаётган спорт турларини ривожлантириш, мамлакат ва Мудофаа вазирлиги қўшинлари спорт терма жамоалари учун ҳарбий хизматчи, хизматчи ва ўқувчи спортчилар орасидан юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш Марказнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қарор билан Мудофаа вазирлигида армия спортини ташкил этиш тўғрисидаги низом ҳамда вазирликда армия спортини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, армия спортига Олимпия, оммавий, миллий, ҳарбий-амалий ҳамда техник ва амалий спорт турлари киради.

Низом билан шунингдек, бир қатор вазирлик ва идораларнинг армия спортини ривожлантириш соҳасида асосий вазифалари белгилаб берилди.

Шахсий гигиена ва ижтимоий масофаланишни сақлаш – касалликдан ҳимояланишда муҳим

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги бошқарув аппаратида тузилган штатдан ташқари гуруҳ томонидан пойтахт кўчалари бўйлаб дезинфекция тадбирларини амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Юнусобод туманидаги маҳаллалар, кўп қаватли тураржой бинолари ва уларга ёндош ҳудудларда, шунингдек, Яшнобод туманидаги аҳоли гавжум бўлган «Паркент» деҳқон бозорида вирусли касалликларга қарши дезинфекциялаш ишлари олиб борилди.

Ушбу жараёнда юртимиздаги эпидемиологик вазият, карантин чекловлари босқичма-босқич юмшатилаётганига қарамай шахсий гигиена талабларига қатъий риоя қилиниши зарурлиги, касалликдан ҳимояланиш учун албатта ижтимоий масофаланишни сақлаш муҳимлиги ватандошларимизга тушунтириб берилмоқда.

Ён-атрофидагиларга хайру саховат кўрсатиш, ожизларга кўмак бериш инсоннинг энг олижаноб фазилатларидан бири. Саховатли инсон – фазилатли инсон, дейди халқимиз.

Юртдошларимиз томонидан мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда амалга оширилаётган саховат ва кўмак тадбирларида Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли Навоий вилоятида жойлашган ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳам фаол қатнашмоқда.

Яқинда ҳарбий қисмнинг бир гуруҳ кўнгилли ҳарбий хизматчилари навоийлик ёши улуғ отахону онахонлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг саломатлигини тиббий кўрикдан ўтказдилар.

Ташриф давомида хонадонларга тиббиёт воситалари ҳамда бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам етказиб берилиб, дезинфекция ишлари амалга оширилди. Тиниб-тинчимас, жонкуяр ҳарбийларнинг ташрифи нуронийлар кўнглини тоғдек кўтарди.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи

СИЁСИЙ ШАРҲ

«ИСТАСАНГ БУ ФАЛАКДАН...»

ёхуд ойнинг эгаси борми?

> Бугунги дунёнинг учдан икки қисмини Евроосиё ва Африка қитъалари ташкил этади. Бу ҳудудларда тахминан беш миллиард киши яшайди. Шунинг учун мазкур минтақалар ўз вақтида геосиёсат классикларининг «жаҳон ороли» дея тавсифланган. Макон нуқтаи назаридан бу ҳудуд бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Тўғри, ҳозир қуруқлик маконлари устидан назорат классик геосиёсатда бўлгани сингари, катта жиддий геосиёсий аҳамиятга молик эмас. Бироқ бу маконлардаги табиий ресурсларни ўзлаштириши, меҳнат захираларига эга бўлиши ва геоиқтисодий бойишнинг бошқа воситаларидан фойдаланишига қараб, жаҳон давлатларининг иқтисодий ва сиёсий роли тегишли равишда аниқланади.

Ҳозирги замонда жаҳон макони устидан назорат кўп жиҳатдан давлатларнинг ўз ҳудуди ва чегаралари доирасида аҳолига виртуал таъсири, халқларнинг ижтимоий тузилмаси, хулқ-атвор маданияти ва дунёқарашига таъсир ўтказиш имкониятлари билан аниқланади. Аммо шу билан бирга геосиёсий маконлар устидан назорат борган сари улар устидан ахборот назорати ўрнатишга алмашмоқда.

Дунёни бошқараман, деган сиёсий марказлар жаҳон аэропортлари, миллий ва халқаро ҳаво маконлари устидан назорат ўрнатиш учун ҳам кураш олиб бораётганини назардан қочирмаслик керак. Давлат миллий ҳаво маконининг хавфсизлиги унинг ҳарбий-космик, иқтисодий ва маданий-ахборот макони хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги вақтда жаҳонда тахминан 5 минг халқаро ва маҳаллий аэропорт мавжуд. Улар орқали йўловчи ва юк ташувлари олиб борилмоқда. Бутун миллий ҳаво макони, шу жумладан аэропортларнинг, чегара электрон ахборот, сигнал ва мудофаа тизимининг хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг суверен ҳуқуқларининг асосий элементларидан бири ва қудратининг тимсоли ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Россия, Япония, Франция, Канада, Хитой, Германия ўз мамлакати ва жаҳон ҳаво макони устидан назоратни амалга оширадиган энг муҳим давлатлар сирасига киради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, АҚШ, Европа Иттифоқи, Россия – замонавий йўловчи, юк ва ҳарбий самолётлар, АҚШ, Франция, Канада ва Россия – вертолёт ишлаб чиқарувчи асосий мамлакатлардир. Ҳаво маконларини ҳимоя этиш ҳарбий денгиз кучлари билан биргаликда амалга оширилишини ҳисобга олсак, қудратли 3-4 давлатнинг триада салоҳиятини ривожлантиришга, ҳам қуруқлик, ҳам ҳаво, ҳам денгиз қуролларини биргаликда такомиллаштираётгани сабаби аён бўлади.

Асосий даъвогарлар ким?

Жаҳон космик макони ва Ер атрофидаги орбитани эгаллаш ва унинг устидан назоратни ўз қўлида ушлаб туриш масаласида ҳам йирик давлатларнинг рақобати тингани йўқ. Бу хусусият электрон ва ракета техникаси кенг қўлланилаётган кейинги 30 йил ичида жаҳон геосиёсий тузилмасининг муҳим мезонларидан бирига айланиб, космик маконни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш вазиятини белгилай бошлади. Бу соҳада АҚШ, Россия ва Хитой энг илғор давлатлардан ҳисобланади. Кейинги вақтларда Франция, Британия, Япония, Европа Иттифоқининг қатор давлатлари ўзларининг космик маконни эгаллашга ва айрим мақсадлари йўлида кўпдан-кўп стратегик дастурларини амалга оширишда ундан фойдаланишга қодир эканликларини намоён этдилар. Бугун атмосферани ва Ер атрофидаги орбитани эгаллаш, космик маконни назорат қилишнинг стратегик дастурлари асосан АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари томонидан кўпроқ амалга оширилмоқда. Бу дастурлар АҚШнинг космосда ҳарбий-стратегик назорат олиб бориш функциясини амалга оширишга хизмат қилади ва рақибнинг НАТО мамлакатларини нишонга олган ракеталаридан мудофаа системасини яратиш мақсадини кўзлайди. Халқаро ҳуқуқ космосни милитаризация қилиш имконини бермаслигига қарамай, АҚШ, Россия ва Хитойнинг ҳар бири айрим-айрим равишда космосдан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш йўналишида жиддий иш олиб бораётир. Тадқиқотчилар космосдан ҳарбий ва стратегик мақсадларда фойдаланиш тобора тезлашади ва



Бек АЛИ чизган сурат

яқин 50 йил ичида энг муҳим геостратегик воситага айланади, деб ҳисобламоқдалар.

Ер юзасида мавжуд космодромлар, космик ракеталар ва планеталараро баллистик ракеталарни учириш инфратузилмаси жаҳон космик маконини назорат этишда алоҳида геосиёсий роль ўйнайди. Баъзи манбаларнинг маълумотларига қараганда, ҳозир жаҳонда 21 космодром бор. Улардан 4 таси Россияда *(улардан бири Қозоғистон ҳудудида бўлиб, Россияга ижарага берилган)*, 4 таси АҚШда, 3 таси Хитойда жойлашган, Франция, Япония, Ҳиндистон, Исроил, Бразилиянинг ҳар бирида – биттадан космодром ишлаб турибди. Экваторнинг бошқа ҳудудларида ҳам космодромлар бор. Бу космодромларнинг асосий геостратегик аҳамияти Ер атрофидаги орбита ва космосга ракеталарни – ҳозирча космик фазога олиб чиқадиган ягона ташиш воситаларини учиришдан иборат. Космодромларнинг аҳамияти ва иқтисодий самараси уларнинг экваторга яқин жойлашгани билан ўлчанади. Улар экваторга нечоғли яқин жойлашган бўлса, ракеталарни ва улар ташийдиган объектларни Ер атрофи орбитасига чиқариш шунчалик осон ва иқтисодий маънода фойдалироқ бўлади.

Ой кимнинг мулки?

Фазода ҳам ҳукмронлик қилиш учун кураш қизғин бораётган экан, қудратли давлатлар бутун инсониятга тегишли бўлган Ойни ҳам ўзиники деб эълон қилишдан тап тортмаяпти. Хусусан, Қўшма Штатлар Ойда фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича шартнома лойиҳасини тайёрламоқда. «Артемида битими» деб номланадиган ҳужжат яқин кунларда АҚШнинг ҳамкорларига тақдим этилиши кутилмоқда. Шартнома Канада, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари ва қатор Европа давлатларига муҳокама учун таклиф этилади. Шартномага АҚШнинг коинот дастурлари бўйича асосий ҳамкори бўлган Россия киритилмаган. Чунки шу кунларда АҚШ Россия сунъий йўлдошларининг коинотдаги маневрларидан ташвишланиб, Москванинг коинотдаги амалиётларини «душманлик ҳаракати» сифатида баҳолаётир. Шартнома лойиҳасида Ойдан қазиб олинадиган фойдали қазилмалар захираларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

АҚШ коинот агентлиги – NASA 2024 йилда Ойга АҚШ астронавтлари қўндирилишини маълум қилди. АҚШ Президенти Дональд Трамп эса 6 апрель куни тижорий мақсадларда Ой, Марс ва бошқа сайёраларни ўзлаштириш Қўшма Штатлар ваколатидаги ҳуқуқ экани таъкидланган фармонни имзолаган эди. Фармонда АҚШ коинотни умумжаҳон мулки деб билмаслиги, балки коинотни «юридик ва жисмоний жиҳатдан инсон фаолият юритиши учун ўзига хос объект» деб тан олиши белгиланган. «Роскосмос» раҳбари Сергей Савельев 7 апрель куни Трампнинг бу фармонини кескин қоралаган. *«Коинотни экспроприация қилиш ва ўзга сайёраларни босиб олиш юзасидан агрессив режаларнинг борлиги Россия ва АҚШ ҳамкорлигига салбий таъсир кўрсатади»*, дейилади «Роскосмос» баёнотида.

Ҳаммасига нафс айбдор

Аслида Ойнинг умумжаҳон мулки эканини АҚШ ва Россия тан олмайди. Ойнинг умумжаҳон мулки сифатидаги мақоми БМТ Бош Ассамблеяси 1979 йилда қабул қилган «Давлатларнинг Ойдаги ва бошқа фазовий жисмлардаги фаолияти тўғрисида»ги шартномада қайд этилган. Ҳужжатни 18 давлат имзолаган. Россия ва АҚШ мазкур шартномага қўшилмаган. Бугунга қадар фақат Россия, АҚШ ҳамда Хитой Ердан 384 минг км масофада жойлашган Ойга космик кема қўндиришга муваффақ бўлган. Аммо фақат АҚШ астронавтларигина Ойга қадам қўйган. Шунга қарамай, 1972 йилдан бери АҚШ Ойга ўз миссиясини юбормаган. Ойга эгалик қилиш ҳуқуқи учун АҚШ ва Россиядан ташқари Хитой ҳам катта миқдорда маблағ сарфламоқда. 2019 йилнинг 27 апрелида Хитой тахминан 10 йил ичида Ойда илмий тадқиқот станциясини қуриш режасини очиқлаган эди. Хитой миллий фазо бошқармаси раиси Чжан Кэцзянь эълон қилган билдирувга кўра, станция Ойнинг жанубий қутбига яқин ҳудудда қурилади. Хитойнинг Ой бўйича узоқ йиллик режаси ҳали тўлиқ ишлаб чиқилгани йўқ. Аммо Хитой миллий фазо бошқармаси Ер йўлдошини ўрганиш йўлида катта ютуқларга эришди. 2019 йилнинг бошларида Хитойнинг Chang'e 4 (Чанъэ - 4) станцияси тарихда биринчи марта ойнинг орқа томонига қўндирилди. Ҳозирги кунда Хитой АҚШдан кейин фазо миссияларига энг кўп маблағ сарфлаётган иккинчи давлатдир. Исроил ҳам ҳаракат қилди, бироқ Ойга кема қўндира олмади. Бу орада Ҳиндистон ҳам Ойга кема юбориш устида ишламоқда. Япония эса 2020-2021 йилларда Ойнинг вулқонли ҳудудини ўрганиш учун SLIM кемасини юборишни режалаштирмоқда.

Хуллас, инсоният бугун Ер сайёраси қолиб, фазони ҳам эгаллаш, мабодо фойдали қазилмалар бўлса, уни ҳам талон-торож қилиш ниятидан тонмайдиган кўринади. Ҳаммадан ҳам ошиқларга қийин бўладиганга ўхшайди. Чунки улар *«Истасанг бу фалакдан Ойни олиб бераман...»* деб қўшиқ айтолмай қолиши мумкин. Албатта, бу ҳазил. Лекин ўн саккиз минг оламни яратган Парвардигор унинг барчаси устидан назорат ва ҳукмронлик қилишни ёлғиз инсониятга бермаган бўлса керак. Нима бўлган тақдирда ҳам нафс етаклаган йўлнинг хатарли эканлигини унутмаслик лозим.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

МЕҲР-ОҚИБАТ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС, АММО...

Халқ орасида бу гап мақолга айланиб кетган. Аслида бу ҳамма жиддий эътибор бериши зарур бўлган долзарб ва ўта оғриқли масала. Бунга эътибор бермаслик айб ва гуноҳдир. Мусулмон бўла туриб, камбағалнинг ҳолидан хабар олмаслик мўминлигимизга, ўзбеклигимизга, виждонимизга, ғуруримизга соя солади.

Тўғриси, журналистларимизнинг бу мавзуни ёритишдаги нўноқлигига, бир қолипга тушиб қолган ёндашувларига тоқат қилиб бўлмайди. Кўпинча камбағалларга бир ёки икки килограммдан ун, гуруч ва макарон тарқатилаётганлиги телеэкранда шов-шув билан кўрсатилади ёки газеталарда шу ҳақда фахр билан ёзилади. Бу худди Россиянинг бегоналарга – Донецк ва Луганск аҳолисига ҳамда сурия лик қочоқларга тарқатаётган садақасига ўхшайди. Илгари СССР ҳарбийлари ўн йил мобайнида ўзлари ўлдирган афғонларнинг болаларига худди шу тартибда конфет ва печенье тарқатиб, «рус хорошо» деган таҳсинга сазовор бўлишарди.

Биз бундай тажрибани ўз халқимизга нисбатан қўлласак, уят бўлади. Хўп, камбағал бугун бир халта унни, эртага бир килограмм макаронни пишириб еди, дейлик. Кейин-чи, кейин нима қилади?! Кейин миллионлаб сўмда маош олиб, «камбағалга текин ҳеч нарса бермаслик керак», деб донолик қиладиган одамларнинг уйига бориб, уларнинг кирини ювиб, уйини тозалаб, болаларини ювинтириб, эвазига бир товоқ овқат ва иккита нон олиб қайтадими? Азизлар, баъзи бировлар шунга мажбур бўлишяпти. Ҳар куни бойларнинг уйига қатнаб, уларнинг уй ишларини бажариб, кечқурун фарзандларига егулик олиб қайтаётган аёллардан бир нечтасини биламан. Бундай аянчли ҳолат тобора авж олиб, халқимиз тоифаларга бўлиниб қоляпти. Бойларимиз ва мансабдорларимиз эса оғизда муҳтожлар ҳақида кўп гапирганлари ҳолда амалда уларни қуллик даражасига туширмоқдалар. Ким бўлишидан қатъи назар, бир бечорага ёки камбағалга берган арзимаган ёрдамини телеэкранда кўрсатиш ёки интернет сайтларида тарғиб қилиш пасткашликдир.

Агар биз чиндан ҳам камбағалларга ёрдам бериш ва уларни камайтириш ниятида бўлсак, улар билан жиддий шуғулланишимиз керак. Яъни камбағаллик азобини тортаётган инсон ишлайдими-йўқми, ишласа қанча иш ҳақи олади, пенсияси ёки ногиронлик нафақаси борми, умуман, оиланинг ойлик даромади қанча, шундан қанчаси коммунал хизматга ва еб-ичишга кетади, дори-дармон ва даволанишга ҳамда транспорт хизматига қанча сарфлайди, бир йилда неча сўмлик кийим-кечак сотиб олади, оилада неча киши, кунига неча марта қандай овқатланади – буларнинг ҳаммаси ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинади, сўнг хулоса чиқарилади. Шундан кейингина ўша оила очми-тўқми, ёрдамсиз яшашга қодирми-йўқми, давлатдан ва ҳаётдан розими-йўқми, дангасами ёки текинтомоқми, ҳалолдан кун кўрадими ёки ҳаромдан – ҳаммаси ойдинлашади. Акс ҳолда, таниш-билишчилик йўли билан ўзига тўқ оила муҳтожлар рўйхатига кириб қолса, ҳақиқатда ёрдамга муҳтож оила бундай рўйхатга кирмай қолиши мумкин. Ҳозир бу одатий тусга кирган. Баъзи жойларда камбағал одам ўзининг ёрдамга муҳтожлигини исботлаш учун кўп елиб-югуришига тўғри келади ёки маҳалла раисига ёмон кўринмаслик учун ёрдамдан воз кечиб қўя қолади. Маҳалла фаоллари-чи, улар бунга эътибор беришмайдими, дерсиз. Кейинги 15–20 йилда илгари ички ишлар идораларида ишлаган баъзи маҳалла раислари фаолиятларини кузатиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, маҳалла фаоллари сафига асосан диний эътиқоддан йироқ, давлат ишларида ишлаган, ичкиликбозликдан қариса ҳам қуюлмаган, билса ва кўриб турса ҳам «бизда камбағал йўқ», дейдиган эркаклар ҳамда рўмол ўрашдан йироқ замонавий аёллар жалб этилар экан. Улар: «Келинингиз нега рўмол ўрайди?» деб менга ҳам кўп марта танбеҳ беришган.

Камбағалларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш учун жиддий иш бошланган бугунги кунда энг муҳим гапни энди айтмоқчиман. Бундай нозик ва мураккаб ишга ёшлигида бой ва мансабдор оилада тўкин-сочинликда ўсган, ҳаётда қийинчилик кўрмаган ва йўқчилик нималигини билмаган, ҳамиша камбағалларнинг ҳаётига бефарқ муносабатда бўлиб келган, ҳозир ҳам бир неча миллион сўмлаб иш ҳақи олиб, мансаб-мартаба гаштини сураётган, бировларга беришга эмас, бировлардан олишга ўрганган, димоғдор ва такаббур одамларни жалб этиб бўлмайди. Камбағалнинг дилини, сўзини, аҳволини, дардини, хоҳиш-истагини фақат оғир ҳаётда синовдан ўтган одамларгина англайдилар ва унга малҳам топа оладилар. Акс ҳолда, юқорига ҳисоб беришда камбағалларга турли тамғалар босилади. Айниқса, мунофиқ ва маддоҳлар нафақат камбағалларга нисбатан ёндашувда, балки етим-есирлар, бева-бечоралар, ногиронлар ҳаққига хиёнат қилишда ҳам ҳаммани чалғитадилар. Буни ҳаётда кўриб турибмиз. Уларнинг орасида Аллоҳнинг каломини одамларга етказиб, ўзлари унга амал қилмайдиганлар ҳам бор.

Хайр-эҳсон ёки садақа бўладими, закот, фидя ёки рўзаи фитр бўладими, шунчаки ёрдам ёки ҳадя бўладими, инсон атаганини муҳтожга, мискинга, бева-бечорага, етим-есирга ўз қўли билан бергани яхши. Азизлар, бундай пайтда айниқса популистик ва бошқа мақсадларни кўзлаган ёрдам гуруҳлари, фондлари, улуғ номлар билан ниқобланган жамғармалар, қандайдир ташаббуслар билан чиқаётган товламачилар тўдаси ва бошқа нияти бузуқлардан эҳтиёт бўлиш зарур. Айтгандай, бугунги кунда закот, фидя, рўзаи фитр, хайр-эҳсонни кимга ва қаерга бериш кераклигини шариат қоидаларига хилоф равишда тарғиб қилаётган имом-хатиблар ҳам йўқ эмас. Тўғриси, мен бир неча интернет сайтларида «Вақф»нинг маблағлари қаерга қандай мақсадларда сарфланаётганлиги ҳақидаги материалларни ўқиб, нафратландим. Айтинг-чи, Аллоҳни алдаётган одамлардан муҳтож ва мискинга мурувват кутиш мумкинми?! Мен Қибрай туманида яшайман. Атиги 500 метр жойда бир номдор уламо туради. Кўчасидан ўтсангиз, ваҳима босади. Чунки уйининг биноси ўта махфий идорани эслатади. Бундай уламолар бечора-ю мискинлар ҳақида сафсата сотишни қойиллатишади.

Албатта, коронавирус сабаб, бутун жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам камбағал янада кўпаяди. Ишсизлик авж олади. Демак, ҳукумат олдида инсон очдан ўлмасдан жон сақлаши учун яшаш минимумини яратишдек ўта масъулиятли вазифа турибди. Бу масала депутатларга ҳам тегишли. Бироқ мен бир нарсадан қўрқаман ва негадир ишонгим келмайди: мансабдорлар ўзларининг кўп миллионли иш ҳақларини камайтириш ёки бошқа имкониятларни излаб топиш ҳисобига энг кам иш ҳақи миқдорини оширишга рози бўлармиканлар?.. Масалан, совет даврида энг кам иш ҳақи 70 сўм эди. Бу камтарона кийинишу еб-ичишга ҳам, коммунал хизмату транспортга ҳам, меҳмон кутишу кичик тадбир ўтказишга ҳам етар эди. Қанийди, ана шундай имконият ҳозирги камбағалларга ҳам яратилса?! Менимча ёрдамга муҳтожларга бундан бошқа имкониятнинг кераги йўқ.

Чамамда, кейинги икки йилда камбағаллар ҳақида ҳақиқатни айтишни ўрганяпмиз. Илгари бир даврада ўтириб, камбағалдан гап очсангиз, маҳалла раиси, профилактика инспектори, Хоимом-хатибга камбағаллар ҳақида савол бериб, балога қолган. «Камбағалмиш! Камбағал қолдими бизда?! Қайси уйга борманг, олдингизга бир эмас, беш хил овқат қўяди! Бундан кейин ўйлаб гапиринг!» деди имом-хатиб аччиғланиб.

Энди ўзим билан боғлиқ бир мисолни келтириб ўтай. Телевидениеда ишлаганимда ҳар ҳафта «Телеминиатюралар театри»ни эфирга беришдан олдин Эргаш Каримов ва Мираббос Мирзааҳмедов билан бирга кўриб, қабул қилиб олардим. Бир сафар навбатдаги сонда хорижлик журналистнинг бир ўзбек билан қилган суҳбати қуйидаги ҳажвий эпизодда берилганди:

– Ўзбеклар эрталаб қандай нонушта қиладилар? – сўрайди журналист.

– Нон еб, чой ичишади.

– Кечқурун-чи?

– Чой ичиб, нон ейишади.

– Тушликда-чи?..

– Тушликдами? Ҳам нон ейишади, ҳам чой ичишади.

Кўрсатув эфирга кетиши биланоқ тепадан «Телеминиатюралар театри»ни умуман эфирдан олиб ташлаш ҳақида кўрсатма бўлди. Камбағаллик устидан куламиз деб яхши бир кўрсатувдан маҳрум бўлганмиз ўшанда.

Бир камбағалнинг бироз ношукурлиги интернет сайтларида турли фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Мен 7-8 ва 10 миллион сўмдан ошиқ иш ҳақи оладиганлар билан ҳам суҳбатлашиб кўрдим. Уларнинг айримлари шунча маблағ ҳам етмаётганлигидан нолишди. Мана буни ношукурлик деса бўлади. Мен ҳар ойда икки миллион сўмдан ортиқ пенсия оламан, деб фахрланса, бадиий академиянинг бир аъзоси: «Шунга яшаб бўлар эканми?» деб устимдан кулди. Унга етти миллион сўм ҳам етмаётганмиш. Интернетда ўша ношукурлик қилган камбағалнинг устидан кулганларнинг аксариятини танийман. Айримлари ойига ўн миллион сўмдан ошиқ даромад олишади ва турли раҳбарлик лавозимларида ишлашади. Ўша камбағалнинг бир кило ун, бир кило макарон, бир кило шакар ва бир шиша ёғдан бироз кўнгли тўлмабди, унинг устидан кулганлар эса бундай камбағалбоп маҳсулотларни умуман истеъмол қилишмайди ҳам.

Мен кўп йиллар мобайнида «Аргументы и факты» газетасида Россияда Дума депутатлари ва ҳукумат аъзолари оладиган иш ҳақи билан оддий фуқаролар оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни кузатиб бордим. Фарқ ер билан осмонча. Оддий фуқаролар юқори мартаба ва лавозимдаги одамларга қараганда 30–40 мартагача кам иш ҳақи оларкан. Кўриниб турибдики, ҳукумат ўз сиёсатини юритишда давлат Думасида тўсиқларга дуч келмаслик учун депутатларга шундай имтиёз берган. Ишқилиб, бизда ҳам депутат ва сенаторлар, шунингдек, бошқа мансабдорлар ўзларига берилган имтиёз ва имкониятдан эсанкираб, ёвғон гўжа ичиб ёки макарон еб кун кўраётганлар устидан кулишмаса бўлгани!.. Аслида гўжа ичиб ёки қотган нондан нонпалов еб катта бўлмаган ўзбек асл ўзбек эмас.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ҳарбийлар фаолияти кўнгилдагидек

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан республикамиз ҳудудида коронавирус пандемияси туфайли ташкил этилган карантин объектларида хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчилар фаолияти ва уларга яратилган шарт-шароитлар мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда.



Ўрганишлар давомида карантин объектларида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолияти билан бирга, уларга хизмат олиб бориш учун яратилган шароитлар, соғлиғини сақлаш ва санитария-эпидемиология осойишталик қоидалари юзасидан кўрилаётган хавфсизлик чоралари таъминланаётганлиги ва бошқа ҳолатлар ўрганилиб, керакли тавсиялар ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу каби тадбирлар республикамиз ҳудудида уй шароитида карантинда бўлган фуқароларимиз муҳофазасини таъминлаётган ҳарбийлар фаолиятида ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирларда фуқароларимиз ҳарбий хизматчиларнинг фаолиятидан мамнун эканликларининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Адлия капитани Азизбек МУМИНОВ,
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

Бўлинганни бўри ер...

«Уч одамнинг ўлими фожиа, ўн минг одамнинг ўлими эса – статистика», деган эди олмон ёзувчиси Ремарк. Кечагина дунё мамлакатлари учун кичик фожиалардан бошланган катта ваҳималар бугунга келиб статистик рақамларда ифодаланмоқда. Аммо улар ортида миллионлаб тақдирлар борки, омонатни ҳимоя қилиш дунёни сақлаб қолиш билан баробар бўлади.

Европа иккита жаҳон урушини кўрди ва ғолиб мамлакатнинг мағлубларидан яққол ажратадиган катта жиҳатни тополмади. Қоғоздаги ғолибликлар, тўланадиган миннатли товонлар умуминсоният учун яхшиликка олиб келмади. Бежиз француз Аристид Брианни «Европанинг отаси» дейишмади, чунки у ҳамжиҳат ва фаровон минтақани тузиш формуласини илгарироқ яратган, уни амалга ошириш учун тиш-тирноғи билан курашган, фақат унинг мақсад-муддаоси бошлар деворга қаттиқроқ текканидан кейингина англаб етилди. Шу боис Иккинчи жаҳон урушидан кейин бирлашишга аҳд қилинди ва натижалар узоқ куттиргани йўқ.

Бугун дунё фақат бир нажот истайди. Тезроқ вакцина топилса-ю, касаллик бартараф этилса, ҳаммаси жойига тушса-ю, яна ўз йўлида давом этса. Лекин ҳамжиҳатлик, бирлашув, ишонч вакциналари қачон яратилади?

Балки бу синовдир. Шунинг учун келгандир. Жўнатилгандир. Охирги вақтларда кичик ва катта ҳажмда дилимиздагилар тилимиздаги билан мос келмаётгандир. Ёлғон дунё ёлғончи эмас-у, ўзимиз шундайдирмиз, балки. Забонимиздаги каломлар амалимизнинг исботи бўлмаётганлиги, урф-одатларни, дину диёнатни нотўғри тушуниш, билиб туриб омонатга хиёнат қилиш каби нопок иллатлар кўпайганлиги боис ҳам фожиалар чўзилаётгандир. Шундай экан, тилингиз ва дилингиз бир бўлсин, ана шунда Ер юзида офатлар кам бўлишига, ҳаётингиз фаровон бўлишига ҳисса қўшган бўласиз.

«Отнинг ўлими – итнинг байрами». Абдулла Қаҳҳорнинг асрларга татигулик бу ибораси кундалик ҳаётнинг катта ва кичик воқеликларига эпиграф бўла олади. Вирус тарқалиши ортидан пул ишлаш, имкон қадар шамолни ҳам тутиб, ундан ҳам даромад манбаи сифатида фойдаланишга қизиқиш дунё миқёсида ошиб бораётгани сир эмас. Тўғри, айримларда ваҳима бор, маҳсулотни кўпроқ ғамлаб қўйгиси келади, айримлар керакли даражада олади. «Отнинг ўлими – итнинг байрами» бўлиши керак эмас.

Ўтган асрнинг иккинчи ярми ва охирларидаги Япония муваффақиятларининг калитини улар жаҳон урушидаги муваффақиятсизликда кўришади. Шу боис миллий менталитет шунга ихтисослаштирилган бўлиб, қисқа даврда илгаригидан бир неча карра юксак натижаларга эришилди ва миллат руҳий жиҳатдан ҳам тарбияланди.

Бугунги инсоният бошига тушган фожиалар ҳам одамзотнинг барчасини ана шундай қувватлаши, янада ғайратлироқ бўлишга хизмат қилиши керак. Янада кучлироқ бўлишимиз, ташаббускор ғояларни амалга оширишимиз даркор. Зеро, вирус чекиниши билан дунё оммасида унинг асоратларини тезроқ бартараф этиш, илгариги даражага етиш ва албатта, ундан ўзиш бўйича ҳам рақобат бошланади. Мана шу даврда дунё оммасидан четда қолиб кетмаслик, жаҳон ҳамжамиятига янги ғоя ва инновацион лойиҳаларни таклиф қила олиш керак.

Унутманг! Янги дунё арафасида турибмиз. Бу даврда инсониятни фақат юксак ишонч, ҳамжиҳатлик ва интеллектуал тафаккур қутқаради.

Худойберди ҲАҚНАЗАРОВ,
Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЭВАКУАЦИЯ ЖАРАЁНИ

Шахсий таркибнинг ёнғин хавфли омиллари мавжуд бўлган хоналардан ташқарига мустақил ҳаракатининг ташкиллаштирилган тарзда эвакуация жараёни, деб ҳисобланади.

Эвакуация йўллари ва чиқиш жойларига қўйиладиган талаблар қурилиш меъёрлари ва қоидалари томонидан белгиланади ҳамда энг аввало ёнғин содир бўлганда эвакуация пайтида шахсий таркибнинг бир маромда ҳаракат қилишларини ва эвакуация йўлларининг тутунга қарши ҳимояланишини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ, ёнғиннинг инсон соғлиғи учун хавфли омилларига қуйидагилар киради:

- аланга ва учқунлар;
- атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати;
- ёниш ва термик парчаланишнинг заҳарли маҳсулотлари;
- тутун;
- кислород миқдори (концентрацияси) камлиги.

Унутманг, кириш ва чиқиш йўллари, йўлаклар, тамбур ва зиналар турли жисмлар ва асбоб-ускуналар билан тўсиб қўйилмаслиги лозим. Эвакуация чиқиш йўлларининг барча эшиклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши зарур. Эвакуация йўллари ва чиқиш жойларининг нотўғри танланиши ўта аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ушбу муҳим масалага беэътибор бўлмайлик!

Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,
Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек кучлар ва воситалар мажмуидан иборатдир.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ва фуқаролардир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни, 4-модда.

УГЛЕКИСЛОТАЛИ ЁНҒИН ЎЧИРГИЧ

Ёнғинларнинг энг бошланғич даврида, ўртача 4 дақиқа давомида ёнғин ўчиргичларни фаол қўллаш мумкин. Маълумотларга кўра, бошқа техник воситаларга нисбатан ёнғин ўчиргичлар билан ишлаб чиқариш корхоналарида ўртача 15 %, маъмурий жамоа биноларида 30 %, омборхоналарда 20 % ёнғинлар ўчирилмоқда.

Ёнғин ўчиргичлар фойдаланиш жойи ва хусусиятига кўра фарқланади. Улардан бири ОУ русумли (углекислотали) ёнғин ўчиргичлар транспорт воситаларида содир бўладиган ёнғинларни ўчириш учун мўлжалланган. Қурилмани ишга тушириш учун унинг конуссимон найчаси ёнғин ўчоғига йўналтирилиб, сақлагич тортилади ва ёнғин ўчиргични тик тутган ҳолда ишга тушириш механизми босилади.

Кундалик ҳаётимизда аҳамиятсиздек туюладиган ёнғин ўчиргичлар вақти келганда, инсон(лар) соғлиғи ва ҳаёти, моддий бойликлар сақлаб қолинишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун унинг доимо ишчи ҳолатда бўлишига эътибор берайлик.

Майор Бахтиёр ЭРГАШЕВ,
Фарғона гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

БИР ҚЎШИҚ ТАРИХИ

«ҚАРҒАЛАР» ҚЎШИҒИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛГАН?

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан деярли барча телеканалларимиз орқали ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган қаҳрамонликларига бағишланган фильмлар намойиш этилди. Албатта, улар ичида илк бор экран юзини кўрган «Илҳақ» фильми алоҳида ажралиб туради. Фильмнинг энг таъсирли саҳналаридан бири Аҳмаджоннинг «Қарғалар учса қарайлик» қўшиғини айтиб, ўзини қурбон қилгани бўлди, дейиш мумкин.

Шу-шу, аввалдан таниш бўлган оҳанг яна қулоққа ўрнашди. Бу ижтимоий тармоқларда ҳам ўша қўшиқнинг яратилиш тарихига оид қизиқиш ва муҳокамаларни қайта уйғотди. Яхши эсласангиз керак, ёшлигимизда ҳам, ҳозир ҳам тўйларда мана шу қўшиқ ижро этилса, кўкни чанг тутиб кетади. Ёшу қари бараварига ўйнайди. Лекин унинг яратилиш тарихи билан қизиқсангиз, бу ишингиздан уялиб кетасиз. Чунки қўшиқ асло ўйинбоп эмас. У миллатнинг дарди.

Бу қўшиқнинг яратилиш тарихи ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Улар ичида энг асослиси, албатта, матнда тилга олинганидек Марғилон билан боғлиқликдир. Яна шу нарса аниқки, қўшиқдаги воқеалар она Ватанимизнинг чор Россияси томонидан босиб олинишига алоқадор. Биринчи жаҳон уруши пайтида, 1916 йилларда, фронт ортида ишлаш учун деярли барча ўзбек эркаклари мардикорликка олинади ва улар совуқ ўлкаларга, хусусан, Сибирга юборилади. «Қарғалар» қўшиғи айни шу даврда Россиянинг совуқларида ишлаб юрган ўзбек эркаклари томонидан яратилган, деган мулоҳазалар бор. Қўшиқнинг матни ҳам айни шу воқеликка боғлиқ ҳолатда талқин қилинади:

Қарғалар учса қарайлик
Марғилоннинг йўлига.
Ҳиди келса маст бўлайлик
Ҳандалакнинг бўйига.

Маълумки, қарғалар иссиқ тушиши билан совуқ ўлкаларга учиб кетади. Ўз Ватанидан узоқда, яқинлари ҳижронида қийналган лирик қаҳрамоннинг мурожаатидан кўринадики, қарғалар унинг юрти бўлган Марғилондан учиб келмоқда. У ёр-биродарлари, яқинлари соғинчида ҳатто қарғаларнинг келишини интизорлик билан кутади. Сабаби қарғалар унинг юртидан, ёридан, яқинларидан хабар олиб келади.

Қўшиқнинг мазмуни билан унинг ритми ўртасида ер билан осмонча фарқ борлиги учун қўшиқ ижроси кишини ўз-ўзидан рақсга чорлаб туради. Бу қўшиқ «Ялла» гуруҳи томонидан 1970-йилларда ижро этилиши билан бутун Марказий Осиёга тезлик билан ёйилиб кетади. Тўй-базмлар бу қўшиқсиз ўтмай қолади. Ўша пайтдаги цензура «қарғалар» калимасини «турналар»га алмаштирган эди. Фаррух Зокиров қўшиқни андижонлик ҳофизлардан ўрганганини айтган.

Аниқ манбаларда яратилиш тарихи сақланиб қолмаган бу қўшиқнинг турлича талқинлари ҳам бор. Уни Фаррух Зокиров илк бор замонавий талқинда ижро этганидан сўнг қўшиқ кўплаб санъаткорлар томонидан қайта айтилди. Аммо улар ичида Севара Назархоннинг ҳаракатланаётган поезд овозлари фонида айтилган вариантини моҳиятан энг тўғри, дейиш мумкин. Қуйида ўша ижро матни ҳукмингизга ҳавола этилмоқда:

Қарғалар

Мен қушимни ғозга солсам,
Ким солибди қарғага?
Тўнка ушлаб ўйга толсам,
Олти қарға арчада.

Қарғалар учса қарайлик
Марғилоннинг йўлига.
Ҳиди келса маст бўлайлик,
Ҳандалакнинг бўйига.

Ҳандалак бўйликкинам,
Сиз унда зор, биз бунда зор.
Тўти қушнинг боласидай
Иккаламиз интизор.

Интизорлик торта-торта
Танда тоқат қолмади.
Йўлчиликнинг ҳолидан
Юрарга ҳолат қолмади.

Йўлчиликнинг ҳолини
Йўлда йўловчидан сўранг.
Биз ғариб бечорани
Ақли расо ёрдан сўранг.

Мардикор оворани
Ақли расо ёр билмаса,
Кўз ёши дарё бўлиб
Оққан балиқлардан сўранг.

Қарғалар, бедарғалар,
Кунни тўсолмас пардалар,
Ҳаржиниб нонга тўймаган
Томоқ остида зардалар.

Мен ғазални куйга солсам,
Не юмушим қарғадир.
Олти қарға бир сабабки,
Худойди кўр бедарғада.

Қарғалар тунаймас,
Парвозидан қишлар келур.
Биз ғариб сургун чекиб,
Бармоғига нишлар келур.

Қарғалар учса қарайлик
Марғилоннинг йўлига,
Искобилу Гарчакоп,
Андижоннинг йўлига.

Мен қушимни ғозга солсам,
Ким солибди қарғага,
Ким солибди қарғага...

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

МУЛОҲАЗА

МУРУВВАТЛИ БОЛАЛАР

Талаба эдим. Ўқишдан ташқари «Дугоналар» журналида ҳам ишлардим. У ерда ўтган ҳар бир кунимдан гўзал хотиралар қолган. Ўша кунларни завқ билан эслайман. Масалан, ойлик ва стипендия олган куним байрамга айланарди. Талаба аҳлига бундан яхши кун бўладими? Ҳар ойнинг «илик узилди» пайтларига мўлжаллаб беришарди-да, пулниям.

Ўша куни курсдошлар стипендия келганлиги ҳақида телефонимга хабар жўнатишди. Хурсандлигимдан ҳотамтойлигим тутиб ёнимдаги ҳамкасбимга: «Юринг, опа, битта ош мендан!» дедим. Дарҳол ошхонага бориш тараддудига тушдик. Ва ниҳоят ошга кетяпмиз.

Йўлни яқин қилиш учун ишхонамиз жойлашган бинодаги Ногиронларни қўллаб-қувватлаш жамиятининг даҳлизидан кесиб ўтишга қарор қилдик. Бу ердан тамаддихонага бир қадам. Негадир доим одам гавжум бўладиган даҳлиз бу сафар жим-жит. Тушликка эртароқ чиқишган кўринади. Эшик олдида икки бола кутиб турган экан. Ҳар иккиси ҳам мактаб кийимида. Кўриниб турибди, бошланғич синф болалари. Бизниям шу ташкилот ходими деб ўйлашди, шекилли, ёнимизга келиб, саломлашгач:

– Ногирон дўстларимиз учун пул олиб келувдик. Кимга беришимиз керак? Ҳеч ким йўқ-ку, – деди.

Болаларнинг бирида ўн минг, бошқасида етти минг сўм бор экан. Пуллари камлигини ўзлари ҳам билишаётгани ва бундан уялишаётгани, бироқ бергиси келаётгани сезилиб турарди.

Болаларнинг гап-сўзлари миямга чақмоқ бўлиб урилди. Ишхонадан чиқаётгандаги кайфиятимдан асар ҳам қолмади. Юзимда акс этган хомушликни улар бошқача тушунди, шекилли, новчароғи кафтларини бир-бирига ишқаларкан, хижолатпазлик билан:

– Ота-онамиз тушликка берган пуллардан-да, бу. Тўғри, ҳозир кам, лекин яна кўпроқ йиғиб олиб келамиз, – деди.

– Келинглар, мана бу ўриндиқда ўтириб турингглар, улар ҳозир келиб қолишади, – дея уларга жой кўрсатиб кетган бўлсак-да, ошхонага етгунча неча бор ортимга ўгирилиб қараганимни билмайман.

Оромим ўша икки болакай ўтирган ўриндиқда қолди. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмади. Ҳа, ўша куни мен ош емадим. Еёлмадим...

Шоҳсанам НИШОНОВА

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ

Британияда ишлаб чиқарилган «Багги» типидаги MRZR-D4 русумли енгил автомобиль «Поларис дефенс» компанияси мутахассислари томонидан яратилган.

Машина махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар, разведка бўлинмалари ва тезкор гуруҳлар учун мўлжалланган бўлиб, у шаҳар шароитларидаги ҳарбий ҳаракатлар вақтида қўлланилиши мумкин. Икки ўринли (MRZR-D2) ва тўрт ўринли (MRZR-D4) конфигурацияларда яратилган мазкур техника воситасининг максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 90 км бўлиб, у оғирлиги 680 кг.гача бўлган юкларни олиб юришга қодир. Буюртмачи талабига кўра ва бажариладиган жанговар вазифага боғлиқ равишда «Поларис» платформалари ўқотар қурол ва ёрдамчи воситалар ўрнатиш учун тегишли қурилмалар билан жиҳозланиши мумкин. Машинага қуввати 88 от кучига тенг бўлган дизель двигатели ўрнатилган бўлиб, у такомиллаштирилган совутиш тизимига эга, бу эса ундан иссиқ иқлим шароитларида фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

MRZR-D4 классик компоновка (тузилиш)га эга: кучланиш қурилмаси корпуснинг олд қисмида жойлашган, ўрта қисмда экипаж аъзолари учун жойлар, орқа томонда эса турли юклар, шунингдек, қўшимча ёқилғи захираси учун мўлжалланган платформа мавжуд. Ҳозирги вақтда бу типдаги автомобиллар Буюк Британия ва Австралия ҳудудида, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликларидаги иссиқ иқлим шароитларида ҳар томонлама синовлардан ўтказилмоқда. Шу билан биргаликда, сўнгги маълумотларга кўра, Канада ўзининг Қуруқликдаги қўшинлари учун 36 та MRZR-D4 автомобилини харид қилиш бўйича «Поларис дефенс» компанияси билан шартнома тузганлигини эълон қилган, АҚШ эса махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар қўмондонлиги ва денгиз пиёдалари бўлинмалари учун шундай машиналарга буюртма беришни режалаштирмоқда.

МОДЕРНИЗИРОВАННЫЙ ВАРИАНТ

Японский поисково-спасательный самолёт-амфибия US-2, созданный специалистами компании «Шин-Мэйва индастриз», представляет собой модернизированный вариант предыдущих версий – US-1 и US-1A. Самолёт предназначен для участия в морских поисково-спасательных операциях, патрулирования морской прибрежной зоны и для тушения пожаров.

Благодаря конструктивным особенностям фюзеляжа, а также за счет аэродинамических качеств машина способна совершать посадку и взлет с водных поверхностей на малых скоростях, что важно для безопасности полетов при волнении моря. В состав силовой установки самолёта входят четыре турбовинтовых двигателя (ТВД) компании «Роллс-Ройс» мощностью 4591 л.с. Основные летно-технические характеристики US-2: максимальная взлетная масса с поверхности воды 43 т, с грунта – 45 т, максимальная скорость полета 555 км/ч, практический потолок 6100 м, перегоночная дальность 5000 км, размах крыла 33,1 м, длина 33,4 м, высота по верхней точке киля 12,4 м, диаметр винтов 4,4 м. Экипаж три человека (командир, второй пилот и бортинженер). При необходимости на борту в качестве членов экипажа могут находиться также штурман, радио-/РЛС-оператор и медицинский работник. Полезная нагрузка: 13,6 т воды в резервуаре для тушения пожара, или 20 пассажиров, или 12 носилочных раненных.

МИНАЛАРДАН ТОЗАЛОВЧИ МАШИНА

Дания армиясининг Қуруқликдаги қўшинларига қарашли «Гидрема-910» русумли муҳандислик машинаси пиёдалар ва танкларга қарши миналар, шунингдек, тупроққа яширилган бошқа портловчи мосламаларни бартараф этиш учун мўлжалланган.

Миналарни зарарсизлантириш ротор тралнинг уларга механик таъсир ўтказиши ҳисобига амалга оширилади. Ротор 72 та занжирдан ташкил топган бўлиб, уларнинг учига махсус жисм ўрнатилган. Миналардан тозалаш жараёнида машина орқа томонга ҳаракатланади. Уни бошқариш оператор томонидан масофадан туриб ёки компьютерлаштирилган автопилот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматик режимда амалга оширилиши мумкин. Миналардан тозалаш жараёни бошланишидан олдин ҳайдовчи-оператор мониторда тупроқ тури, тозалаш чуқурлигини созлаш, ҳаракатланиш тезлиги сингари бир қанча параметрларни танлайди. Муҳандислик машинасининг зирҳланган кабинаси экипаж аъзоларининг ўқотар қуроллар ўқи ва портловчи мосламалар парчаларидан ҳимоя қилинишини таъминлайди. У, шунингдек, автомобиль остида қуввати тротил эквивалентида 10 кг.гача бўлган миналар портлашига ҳам бардош беради. Машинанинг кучланиш қурилмаси таркибига ҳар бирининг қуввати 178 от кучига тенг бўлган 2 та дизель двигатели киради. «Гидрема-910»нинг оғирлиги 18 тонна, миналардан тозалаш полосаси кенглиги 3,5 метр, тозалаш тезлиги соатига 1,4 км, шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 35 км, экипаж 2 киши. Мазкур машина тегишли вазифаларни бажариш ҳудудига С-130 «Геркулес» ҳарбий транспорт самолёти ёрдамида етказилиши мумкин.

ВЕРТОЛЁТ БОЕВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Вертолёт боевого обеспечения MH-47G предназначен для вывода формирований специальных операций Сухопутных войск, их снабжения и эвакуации. Вертолёт собирается на основе новых фюзеляжей или фюзеляжей MH-47E, которые модернизируются до стандарта G.

По сравнению с предыдущими модификациями, на нем установлены более мощные двигатели и подвесные топливные баки (ПТБ) большей емкости, а также обновленное бортовое радиоэлектронное оборудование. Фюзеляж имеет расширенные боковые двери и люк в полу. Шасси и рампа вертолёта MH-47G усилены конструкционными элементами из композиционных материалов. В кабине вертолёта на большей по размерам приборной доске размещены пять цветных жидкокристаллических дисплеев (152 x 203 мм) с активными матрицами, которые обеспечивают экипаж пилотажно-навигационными данными и информацией о тактической обстановке с привязкой к местности, а также два дисплея блока управления.

MH-47G вооружен двумя 7,62-мм пулеметами M134, установленными в дверях по бортам и одним 7,62-мм M240D – на рампе грузового отсека. Вертолёт оснащен системой высадки и эвакуации личного состава, включающей: два каната для быстрой высадки, прикрепленных к балке над дверными проемами; два троса с кольцами для зацепки личного состава, обеспечивающих одновременную эвакуацию до восьми полностью экипированных военнослужащих. Возможность дозаправки топливом вертолета в воздухе и установленные по бокам фюзеляжа дополнительные ПТБ позволяют MH-47G совершать полеты продолжительностью до 15 часов, в том числе и над территорией противника, в любое время суток и в любых погодных условиях.

П. СОБИТОВ тайёрлади.

ЖАҲОНДА

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРГА ЭЪТИБОР

Эфиопия ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга кўра, мамлакатнинг расмий тили ҳисобланувчи амхара тилидан ташқари оромо, сомалий, тигринья ва афар тилларига ҳам расмий мақом берилди. Хусусан, афар тили Африка қитъасидаги энг қадимий қабилалардан бирининг тили бўлиб, унда мулоқот қилувчиларнинг сони деярли бир миллион кишини ташкил этади. Ҳукуматнинг мазкур қарори мамлакатда тарихий анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

РАМАЗОН ТУҲФАСИ

Саудия Арабистонининг Бурайда шаҳри атрофида жойлашган боғда дунёдаги энг катта хурмозор ташкил этилган. Унинг умумий майдони 54 660 донумга тенг (1 донум – 910 квадрат метрга тенг). Тадбиркор Солиқ Розиқийга тегишли бўлган мазкур боғ Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган. Бу ерда 45 навдаги хурмо етиштирилади. Ҳар йили Рамазон ойида Макка ва Мадинадаги намозхонларга ўнлаб тонна хурмо бепул тарқатилади.

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИДАН БИРИ

Кениядаги Накура кўли дунёдаги энг гўзал ва ажойиб жойлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ташкил этилган миллий қўриқхона баҳор мавсумида тўпланадиган қирмизи фламинго (қизил ғоз)лар сабабли шуҳрат қозонган. Мазкур қўриқхонада жами 450 турдаги қушлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 56 хили сут эмизувчилардир. Қирмизи фламинголарнинг сув устидаги гўзал кўриниши ва парвозини томоша қилиш учун ҳар куни минглаб одамлар кўл бўйига ташриф буюрадилар.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИ

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАРИ

Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) Қуролли Кучлари Африка минтақасидаги юқори жанговар қобилиятга эга бўлган ва технологик жиҳатдан ривожланган армиялардан бири ҳисобланади. Ҳарбий экспертлар баҳосига кўра, бу мамлакат армияси ўз ҳарбий салоҳияти кўрсаткичлари бўйича минтақа давлатлари орасида Миср ва Жазоирдан сўнг 3-ўринда туради. Бироқ республика ҳукумати сўнгги йилларда юзага келган иқтисодий қийинчиликлар сабабли ҳарбий бюджет миқдорини йилдан йилга қисқартириб бормоқда. Жумладан, 2017 йилда мудофаа харажатлари миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1,05 фоизини, 2018 йилда – 1 фоизи, 2019 йилда эса 0,97 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич тобора камайиб бораётганига қарамай, ЖАР Қуролли Кучлари қўмондонлиги ўз салоҳияти ва имкониятлари бўйича минтақадаги аксарият давлатлар армияларидан устун турувчи қудратли армияни сақлашга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатда қабул қилинган доктринал ҳужжатларга мувофиқ, давлат мустақиллигини таъминлаш, ҳудудий яхлитликни сақлаш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилишда Қуролли Кучларнинг асосий ва жанговар қобилияти юқори ҳисобланувчи Қуруқликдаги қўшинлар муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бу турдаги қўшинлар мамлакат ҳудудида ҳуқуқий тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда полиция хизматига ёрдам кўрсатиш, БМТ, Африка иттифоқи ва Африка жанубини ривожлантириш ҳамжамияти томонидан ўтказиладиган тинчликпарварлик операциялари ва миссияларида иштирок этиш, наркобизнес, ноқонуний қуроллар савдоси ва нолегал иммиграцияга қарши кураш, мамлакат ҳудуди ва ундан ташқарида содир бўлган техноген ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш каби ишларга жалб этилиши мумкин. Мисол учун, ўтган йили Қуруқликдаги қўшинлар ҳарбийлари «Идай» тўфони оқибатларини бартараф этишда ёрдам кўрсатиш учун Малави, Мозамбик ва Зимбабвега юборилган.

Ҳозирги вақтда Қуруқликдаги қўшинларнинг умумий сони 39 000 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 22 000 нафарини мунтазам армия ҳарбий хизматчилари, 12 000 нафарини резервдаги ҳарбийлар ва 5 000 нафарини фуқаро ходимлари ташкил этади.

Ташкилий жиҳатдан бу турдаги қўшин таркибига Бош штаб, Жанубий Африка бригадалари штаблари, қўшин турлари (пиёдалар, бронетанк, ракета ва артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудофаа) штаблари ва махсус қўшинлар (разведка, муҳандислик, алоқа, моддий-техник таъминот, ўқув) штаблари киради. Резерв бўлинмаларнинг аксарияти ўз таркиби, сони ва жанговар имкониятлари бўйича батальон кўринишига эга, аммо улар полклар деб номланади ва миллий анъаналарга кўра тарихий номлар билан аталади.

Қуруқликдаги қўшинлар тасарруфидаги асосий бронетанк техникаси таркибига «Олифант-1В» (133 та) ва «Олифант-2» (26) русумли танклар, «Ройкат-76» (176), «Ратель-20/60/90» (534), «Касспир» (370), «Мамба» (440), «Марадер» (50) ва «Баджер» (21) типидаги зирҳли жанговар машиналар киради. Шунингдек, қўшин ихтиёрида турли тип ва русумдаги танкка қарши ракета комплекслари, шатакка олинувчи ва ўзиюрар гаубицалар, кўчма зенит-ракета комплекслари, бараварига ўт очувчи ракета тизимлари, турли калибрли шатакка олинувчи ва зенит тўплари, миномётлар, кўприк ўрнатувчи, таъмирлаш-эвакуация ва миналардан тозалаш машиналари, радиолокация станциялари, «Волтер» типидаги учувчисиз учиш аппаратлари бор. Бироқ бу жанговар техника ва қуролларнинг муайян қисми эскирган ва бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Қўшин шахсий таркибининг жанговар шайлигини ошириб бориш, қурол ва ҳарбий техниканинг янги намуналарини ўзлаштириш, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг янги ҳамда мавжуд усул ва шаклларини жорий этиш, бўлинмалар уюшқоқлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳарбий хизматчилар мунтазам равишда турли қўмондонлик-штаб ва қўшин машқлари, ҳарбий мусобақалар, йиғинлар, конференциялар ва семинарларга жалб этилади. Хусусан, ўтган йили қўшиннинг танкчилар гуруҳи Россияда бўлиб ўтган «Танк биатлони» мусобақасида биринчи марта иштирок этди.

Жанубий Африка Республикаси Қуролли Кучлари қўмондонлиги томонидан Қуруқликдаги қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш, улар ихтиёридаги мавжуд қурол ва жанговар техникаларни модернизациялаш ва янгиларини харид қилиш, шунингдек, ўқ-дори захираларини тўлдиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар режалаштирилган ва ҳозирда уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакат армиясининг бу турдаги қўшинлари шахсий таркиб ва қуроллар сони бўйича қўшни давлатлар армияларидан устун туради. Умуман олганда, улар қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга қодир. ЖАР ҳарбий мутахассислари фикрига кўра, Қуруқликдаги қўшинларнинг ҳозирги ташкилий-штат тузилмаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли ҳам яқин келажакда мавжуд қуроллар ва ҳарбий техника паркини модернизациялаш, шунингдек, янги намунадаги замонавий техникаларни харид қилиш учун катта миқдордаги молиявий харажатлар талаб этилади.

ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР

Умумий сони – 39 минг киши

- 159 та — танк
- 1 200 га яқин — жанговар машиналар
- 150 дан зиёд — ракета комплекслари
- 1 000 дан ортиқ — артиллерия тўплари
- 1 200 дан ортиқ — миномётлар
- 6 та — радиолокация станцияси
- 4 та — УУА

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

МИНТАҚАДА

МАҲБУСЛАР АФВ ЭТИЛДИ

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Лайлатул-қадр кечаси муносабати билан жами 210 нафар чет эллик фуқарони, шу жумладан афғонистонлик 126 нафар маҳбусни афв этди ва улар қўшни мамлакатнинг мансабдор шахсларига топширилди, деб хабар беради Kabul Now интернет-газетаси. Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги Туркманистоннинг бундай инсонпарварлик ташаббусига юқори баҳо берди ҳамда ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланиб боришига умид билдирди.

САЙЛОВЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Қирғизистонда сўнгги беш йил мобайнида сайловчилар сони 600 минг кишига кўпайди. Бу ҳақда Жогорку Кенешнинг конституцион қонунчилик, давлат тузилиши, суд-ҳуқуқ масалалари ва регламент кенгаши йиғилишида сўзга чиққан мамлакат Марказий сайлов комиссияси раиси Нуржан Шайлдабекова маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, ҳозирги вақтда сайловчиларнинг умумий сони 3 385 680 кишини ташкил этмоқда. 2015 йил билан таққослаганда, уларнинг сони 600 минг кишига ошган, деди МСК раиси.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қозоғистон ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари гиёҳванд моддалар савдоси ва ноқонуний пулларни ўзлаштиришга қарши кураш кампанияси доирасидаги ишларни фаол давом эттирмоқда. Сўнгги беш ой давомида 1 183 кг миқдоридаги турли гиёҳванд моддалар, шу жумладан героин, синтетик моддалар, гашиш ва марихуана мусодара қилинди. Бу йўналишда иш олиб борган 4 та гуруҳнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди, деб хабар қилади мамлакат Ички ишлар вазирлиги.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ОНЛАЙН ТАНЛОВ

БЕЛЛАШУВ ЎЗ ҒОЛИБЛАРИНИ КАШФ ЭТДИ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги томонидан Халқаро оила куни муносабати билан амалга оширилган онлайн танлов ўз ғолибларини кашф этди. Яъни қўмондонлик таркибидаги ҳарбий оилалар ўртасида ўтказилган беллашув якунланди ва улар тайёрлаган оила мавзусига бағишланган видеороликлар ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Курраи заминни эгаллаган коронавирус пандемияси ҳамон ўз «ҳукми»ни ўтказиб тургани сир эмас. Дунё аҳли қаторида бизнинг мамлакатимиз аҳолиси ҳам карантин сабаб, уйда қолган ҳолда кўринмас ёвга қарши чоралар кўришмоқда. Тадбиркор, яратувчан инсонлар борки, ҳар бир вазиятдан унумли фойдалана олади. Бўш вақтини сермазмун ўтказиш чораларини излайди. Бу борада қўмондонлик томонидан ҳарбий оилалар учун жорий этилган онлайн танлов айни муддао бўлди, десак арзийди.

– Жорий йил бошидан буён ҳарбий оилалар ва бекалар ўртасида бир қатор беллашувлар ўтказдик. Албатта, буларнинг барчаси бекаларимизнинг билимдонлиги, яратувчанлиги ва интеллектуал салоҳиятига муносиб улуш қўшади, – дейди Қуролли Кучлар хизматчиси Дилбархон Ҳусанова. – Халқаро оила куни муносабати билан ўтказилган бу галги танловни мавжуд сабабларга кўра онлайн тарзда ўтказишга тўғри келди. Беллашув шартларига кўра, ҳарбий оила бекалари оилавий сулоланинг анъана ва қадриятлари, оила аъзоларининг қизиқиши ва орзу-истаклари, эришган ютуқлари ҳамда келгусидаги мақсадларини видеоролик орқали кўрсатиб беришлари назарда тутилган. Умуман олганда, хонадон бошқаларда ёқимли таассурот қолдириши лозим. Уни баҳолашда эса сюжетнинг ўзига хослиги, янгича ёндашув ва ғоялар эътиборга олинди. Бу борада бекаларимизга тасанно, десак арзийди. Улар айни дамдаги карантин ҳолатида ҳам иқтидорларини юзага чиқаришга, фарзандлари билан шуғулланишга, яратувчан бўлишга ва буни видеоролик орқали етказишга ҳаракат қилишган. Шунинг учун танловда иштирок этган барча оилаларга қўмондонлик томонидан ўз миннатдорчилигимни билдираман.



Оилани кичик бир Ватан, дея таърифлаймиз. Чунки ҳар бир оиланинг ўзига хос удум ва анъанаси, ўз тартиб-қоидаси, режа ва мақсади бор. Шу боис танловга тақдим этилган видеороликлар хилма-хил ва қизиқарли бўлиши табиий ҳол. Аммо беллашув албатта ўз қаҳрамонларини аниқлаши лозим. Шунга кўра уч нафар ҳарбий оила ғолиблар сафида эътироф этилди.

Самарқанд гарнизонидан кичик сержантлар Алексей Коваленко ва Наргиза Исаковалар оиласи, Тошкент гарнизонидан кичик сержант Рустам Садинов ва Нилуфар Эшмуродовалар оиласи, Сирдарё гарнизонидан кичик сержант Воҳиджон ва Моҳичеҳра Умаровалар оиласи ғолиб, деб топилди.

Уларга қўмондонлик томонидан фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

Зулфия ЮНУСОВА,
Шуҳрат ГАНЖИЕВ

САЛОМАТЛИК

Қўл гигиенаси

Бутун дунёни ўзининг кўринмас, аммо жуда аянчли, аёвсиз ва шиддатли ёйилиши билан забт этаётган, дунё бўйлаб эпидемия ҳолатига олиб келган тождор вирус бизнинг диёримизни ҳам четлаб ўтмади.

Юзлаб ватандошларимиз айни вирусга чалинган бўлса-да, тиббиёт ходимларининг тинимсиз ва машаққатли меҳнатлари сабабли ҳозирги кунда касалликка чалинган юртдошларимизнинг 80 фоиздан зиёди бу дарддан тўла фориғ бўлиб, ўз оиласига қайтди. Хўш, аслида COVID-19 ўзи нима? Қандай йўллар билан юқади? Хасталанган инсонларда у қандай намоён бўлади?

Коронавирус – тузилиши жиҳатидан «атипик зотилжам» касаллигини чақирувчи вируслар оиласига мансуб. Касалликка чалинган беморларда умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, тана ҳароратининг кўтарилиши, тумов белгилари, ошқозон ичак фаолиятининг бузилиши, кўз шиллиқ қаватининг яллиғланиши (конъюктивит), ҳид ва таъм билишнинг ўзгариши, касаллик ўтказиб юборилганда, ўпка зотилжами, нафас етишмовчилиги сингари қатор белгилар кузатилиши мумкин.

Инсонлардан инсонларга ўзаро мулоқот пайтида, қўл бериб кўришганда, аксирганда, йўталганда, бир предметдан фойдаланганда, ҳаво айланмайдиган ёпиқ жойларда (ҳаво ва қурукликдаги транспорт воситаларида, аудиторияларда) икки соатдан кўпроқ масофа сақламаган ҳолда бирга бўлганда, бу касалликнинг хавф даражаси ортиши кузатилади. Ҳаво-томчи йўли билан юқувчи мазкур вирус ташқи муҳитга ва зарарсизлантирувчи воситаларга чидамлилиги ҳамда ҳозирча ушбу касалликни даволаш учун махсус дорилар ва вакциналар топилмагани сабабли бошқа вирусларга қарши дори воситаларидан фойдаланиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ҳар бир фуқаронинг шахсий гигиенаси, кўришганда ижтимоий масофани сақлаш, ниқобсиз кўчага чиқмаслик, қўлларни тез-тез ювишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



Қўлни тўғри ювмаслик турли инфекциялар ва полирезистен микроорганизмларнинг тарқалишида бош омил ҳисобланади. Айнан ювилмаган қўллар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эпидемияларнинг асосий омилларидан бири, дея тасдиқланган. Қўл гигиенасига риоя қилиб, биз касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг инсонлардан инсонларга тарқалиб кетиш хавфини минимал даражага туширишга муваффақ бўламиз.

Дунё бўйлаб берилаётган ҳисоботларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар куни диарея, яъни «кир қўллар» касаллигидан минглаб болалар нобуд бўлар экан. Айни касаллик ўлим даражаси бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу, айниқса Африка ва Осиё давлатларида юқори фоизларни ташкил этмоқда. Аслида мазкур кўрсаткичларнинг бу қадар баландлаб кетишига сабаб болаларга ёшлигиданоқ овқатдан олдин, кўчадан келганда, ҳожатдан кейин қўлларни ювиш нақадар муҳимлиги сингдирилмаганидадир.

Совун ва ювувчи воситаларни ишлаб чиқариш бошлангандан сўнг эпидемиялар ва юқорида қайд этилган кўрсаткичларнинг пасайишига эришилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Болалар жамғармаси томонидан ҳар йили 15 октябрь санаси «Бутундунё қўл ювиш куни», деб эълон қилингани бежиз эмас. Оддийгина қўлни совунлаб ювиш турли хил микроб ва бактерияларни йўқ қилиш ва ҳозирги кунда долзарб мавзуга айланган вирусли юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Чунки терининг ҳимоя вазифаси инсон организмини ташқи муҳитдаги вирус ва микроблардан ҳимоя қилиб, уни ичкарига киритмайди. Қўлларни тез-тез совунлаб ювиш терида сақланган микробларни ҳимоя тўсиқларидан тозалаш ва унинг ўз фаолиятини тўлақонли бажаришига кўмаклашиш имконини беради.

Транзитор микрофлора (ичак таёқчаси, клебсилла, сальмонелла, тилларанг стафилакокк, замбуруғлар, вируслар ва б.) терида 24 соатгача сақланиш хусусиятига эга. Оддий сув ва антисептик воситалардан фойдаланиб, терининг тўлақонли тоза бўлишига эришиш қийин. Шунинг учун кун давомида бир неча марта қўлларни гигиенага риоя қилган ҳолда, совунлаб ювиш мақсадга мувофиқ. Қўлни тўғри ювишни фарзандларга ва атрофдагиларга ўргатиш, уни одатга айлантириш орқали нафақат ўз саломатлигимиз, балки минглаб болалар ва катталар ҳаётини турли юқумли касалликлардан сақлаб қолишимиз мумкин.

Сержант Гулрух МУСАЕВА, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош фельдшери

Bolajon

QIZALOQ QO'SHIG'I

Onajonim tojiman,
Dadamning quvonchiman.
Erkalashar: «Qarog'im,
Oftobim – qizalog'im».

Dadajonim tong sahar,
Xizmatga ketar jadal.
Aytadilar: «Farishtam,
Qaqildog'im, jon rishtam.

Yaxshi o'qi, dono bo'l,
Har jihatda a'lo bo'l.
Sen ko'zimga to'tiyo,
Hayotimga nur-ziyo.

Tengi yo'q javohirim,
Mehribonim, borlig'im.
Sen-la hayot charog'on,
Baxtimizga bo'l omon».

Sizga aytsam bitta sir,
Dadam tengsiz bahodir.
Tinchligimiz posboni,
Vatanimiz qo'rg'oni.

Egnida harbiy libos,
Qadam tashlar shunga mos.
Doimo tetik, bardam,
Yurtni asraydi har dam.

Xizmatdan qaytgan zamon,
Peshvoz chiqaman shodon.
Achom qilib ko'tarib,
Erkalar malikam deb.

Biroq uyda kam bo'lar,
Sog'inib o'pkam to'lar.
Goho kutib tolaman,
Ba'zan uxlab qolaman.

Chunki botirlar tinmay,
Xizmat qiladi sherday.
Qo'rqmaydi tun-zulmatdan,
Bizni asrar kulfatdan.

Dadajonim shunday mard,
Umri Vatanga payvand.
Hamma hurmat qiladi,
Jasurligin biladi.

U mening iftixorim,
G'ururim, suyanch-tog'im.
Munosib farzand bo'lmoq,
Hayotdagi shiorim!

Zulfiya YUNUSOVA

Ranglar jilosi

TOSHQOTGAN AJDARHO

(rivoyat)

Qadimda Boysun bilan Sho'rchi orasidagi kichik so'qmoq Qoradaradan o'tardi. Savdogar, yo'lovchi karvonlari ming azob bilan dara ichidan o'tib, Hisor tomonlarga borishardi.

Qoradaraning kunchiqar tomondagi qoyasi ustida dahshatli ajdarho pastga tashlanishga hozirlangancha toshqotgan. Ajdarga diqqat bilan, qarasangiz, go'yo u hozir tiriladi-yu, pastga sakraydi. Xalq orasida bu ajdarho haqida shunday rivoyat yuradi.

Qoradarada bir odamxo'r ajdarho yashagan ekan. U daradan o'tayotgan karvonlarga hujum qilib, ko'p ozor yetkazar ekan. Sarbonlar uning hujumidan omon qolish uchun bir o'spirin yoki qizni oldinroq keltirib, dara og'ziga qo'yib ketar ekan. Ajdarho o'ljani olib, uyasiga chiqib ketgach, karvon xotirjam daradan o'tib olar ekan. Nihoyat, qurbonlik navbati karvonboshining yosh, go'zal qiziga kelibdi. Ota-onasining ohu-nolasiga qaramay, jasur qiz ajdarhoga yem bo'lishga rozi bo'libdi. Karvondagi baquvvat, mard qo'riqchi bir yigitning qizda ko'ngli bor ekan. Qo'riqchi yigit karvondagilarga qarab shunday debdi:

– Bola ketsa botir qolmas, qiz ketsa ona qolmas, har ikkisi ketsa el-yurt qolmas, qachongacha ajdarho zulmiga chidaymiz? Qiz o'rniga meni qoldiringlar. Men u odamxo'r bilan jang qilaman.

– O'g'lim, men karvonboshi bo'lsam-da, hamma qatori shu xalqning biriman, qanday qilib qizim o'rniga seni yuboraman? – debdi sarbon.

– Men jangchiman, – debdi qo'riqchi yigit, – ko'ksimda yuragim urib turar ekan, bilagimda kuch-quvvatim bor ekan, men sevgilimni ajdarga yem qilib qo'ymayman. Bu yigit sha'ni uchun haqorat. Ajdarni kurashda yengsam, yo'lto'sar qonxo'r maxluqdan umrbod qutulamiz, o'lsam, haqqimga duo qilasizlar.

Karvondagilar noiloj rozi bo'lishibdi. Qo'riqchi chakmoni ichiga o'tkir qilichni yashiribdi. Uning qo'l-oyog'ini oson yechsa bo'ladigan qilib yengilgina bog'lashibdi-da, ajdarga "sovg'a" qilib qoldirishibdi. Uchar ilon odam hidini sezgan zahoti quyunday kelib, qo'riqchi yigitni olib, cho'qqi tomon uchibdi. Shu payt darani qop-qora bulutlar qoplabdi. Momaqaldiroq guldurab, yashin chaqnabdi. Qo'rqib ketgan ajdarho yigitni tashlab, o'zini ulkan kovakka uribdi. Fursatdan foydalangan yigit iplarni yechib, qilichni orqasiga yashiribdi. Momaqaldiroq tingach, ajdarho kovakdan chiqib, yigitni yutmoqchi bo'lib unga yaqinlashibdi. Yigit bor kuchi bilan ajdarning ikki ko'zi orasiga qilich sanchibdi. Ajdarho jon holatda yigitni dumi bilan urib, qoyadan uchirib yuboribdi. Yigit toshdan toshga urilib halok bo'libdi. Birdan chaqnagan kuchli yashin yigitning yerda yotgan qilichiga urilibdi. Ajdarhoni kuydirib, toshday qotirib qo'yibdi. Nafaqat ajdar, yashin zarbidan qoyatoshlar ham kuyib, qop-qora ko'mirga aylanibdi. O'shandan buyon tog' nomi – Qoradara deb atalar ekan.

Karvondagilar toshni o'yib, shahid bo'lgan mard yigitni udumga muvofiq dafn etishibdi. Karvonboshining qizi ham, boshqa qizlar ham soy yoqasidagi oppoq ohaktosh ustida achchiq-achchiq ko'z yoshi to'kishibdi. Bu ko'z yoshlari shivalab yog'ayotgan yomg'irga aralashib, toshlarga singib ketibdi.

Oradan oylar o'tib, karvon ortga qaytibdi va yigit halok bo'lgan joyda bir ajib mo'jizaga guvoh bo'libdi. Qizlar ko'z yoshlari singgan ohaktoshdan buloq sizib chiqayotganmish. Ajablanarlisi, suv chiqayotgan joyda na bir yoriq, na bir teshik ko'rinmasmish. Baland tog'ga yopishgan ulkan ohaktoshdan sizayotgan suv tosh ostidagi chuqurchaga yig'ilar, ortiqchasi soyga oqib tushayotgan ekan. Karvondagilar buloqdan miriqib suv ichishibdi. Shunda tanalaridagi charchoq tarqab, o'zlarini bardam his qilishibdi. Uyga qaytgach, shifobaxsh buloq haqida hamyurtlariga aytib berishibdi...

"Rivoyatlar tarixi" to'plamidan olindi.

Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

Инсон мияси ҳақида қизиқарли маълумотлар

Инсон бош мияси энг кам ўрганилган, тананинг жуда муҳим қисмидир. Дунёдаги машҳур тиббиёт олимлари инсон миясининг янги омилларини ўрганиш устида кўплаб тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Маълумки, бош мия марказий асаб тизими органи бўлиб, у бир-бири билан боғлиқ бўлган асаб ҳужайралари ва толаларидан ташкил топади.

Келинг, энди бош мия ҳақида қуйидаги қизиқарли маълумотларни келтириб ўтсак:

1. Ҳар сафар бирор нимани эслаб қолганингизда, мияда янги нейрон алоқалари шаклланади.

2. Киши уйғонгач, унинг мияси унча катта бўлмаган лампочка ишлаши учун етарли бўлган энергияни ишлаб чиқаради.

3. Инсон мияси 50 ёшгача шаклланади.

4. Алкоголь туфайли мия вақтинчалик эслаб қолиш қобилиятини йўқотади.

5. Инсон туғилганда асаб ҳужайралари улғайган даврига нисбатан анча кўп бўлади.

6. Бош миянинг фақатгина ўнг ёки чап тараф палласи ишлаши ҳақидаги гапларнинг барчаси уйдирма. Аслида, улар ўзаро маълумот алмашган ҳолда ишлашади.

7. Оиладаги шафқатсизлик боланинг миясига жуда қаттиқ салбий таъсир қилади.

8. Шоколад ҳиди тета-ритмни ишлаб чиқаришни фаоллаштиради, бу эса ўз навбатида инсонни тинчлантириб, бўшаштиради.

9. Альберт Эйнштейннинг танасини ёриб кўрган патологоанатом унинг миясини ўғирлаб, 20 йил давомида формалинли эритмада сақлаган.

10. Уяли алоқа воситаларида узоқ суҳбатлашиш бош мияда ўсимта пайдо бўлиш хавфини кучайтиради.

11. Ёш болалар мияси организмдаги глюкозанинг 50 фоизини сарфлайди, шу туфайли болаларга кўп уйқу зарур.

12. Мия танадаги барча кислород ва қоннинг 20 фоизини сарфлайди.

13. Сиз бирон-бир янгиликни аниқласангиз, миянинг тузилиши ўзгаради.

14. Меъёрдан кам ухлаш мия фаолиятига, яъни реакциялар секинлашувига ва мулоҳаза юритиш ёмонлашувига таъсир қилади.

15. Хотирага таъсир қилмаган ҳолда миянинг ярми жарроҳлик йўли билан олиб ташланиши мумкин.

16. 2015 йилда қуввати бўйича тўртинчи ўринда турувчи суперкомпьютерга инсон миясининг бир сониялик фаоллигини кўрсатиш учун 40 дақиқа вақт керак бўлди.

17. Америкалик ихтирочи Рэймонд Курцвейлнинг фикрига кўра, 2023 йилда шахсий компьютерлар инсон мияси қувватини ҳисоблаш даражасига етади.

18. Инсон мияси 100 миллиард нейронлар ва триллион ҳужайралардан ташкил топган.

19. Олимларнинг фикрига кўра, диета (парҳез) мия «ўзини ўзи» ейишига олиб келиши мумкин.

20. Унутиш – мия учун фойдали бўлиб, керакмас маълумотларни миядан ўчириб юбориш мия эгилувчанлигини сақлаб қолади.

Интернет материаллари асосида С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Ҳақиқат калишини кийгунча, ёлғон дунёнинг ярмига етади.

Инглиз ҳикмати

БИЛАСИЗМИ?

Лола кўпчилик хуш кўрадиган гуллар сирасига киради. У муҳаббат, тинчлик рамзи ҳисобланади. Қизиқарли ҳолат, II жаҳон уруши йилларида лоланинг қадри анча кўтарилган. Нима учун?

Жавоб: Унинг пиёзи овқат ўрнида ишлатилган.

БИЛАСИЗМИ?

Рим лашкарбошилари ўзлари билан катта-катта жангларга ҳайкалтарошларни ҳам олиб юришган. Сабаби шуки урушда мардлик кўрсатган жангчи ё зобитни рағбатлантириш мақсадида уларнинг ҳайкали ясалган. Битта ҳайкал ясашга бир неча ҳафта ё ой зарур. Бироқ шунга қарамай улар ҳайкални бир-икки кунда тайёрлашган. Ҳайкалтарошлар бу ишни қандай уддалашган?

Жавоб: Ўнлар Рим ҳарбийларининг ҳайкалларини ясаб олишган. Мардлик кўрсатган жангчининг бош қисмини бир кечада ясаб, ўрнатиб кўйишган.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Қўмондонлик ташкил топган кун

Курсантлар амалиётда

VATANPARVAR

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир: майор Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи: майор Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Саҳифаловчилар: лейтенант Рамиз ВАЛИЕВ, Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусаҳҳиҳлар: Муҳаррам КАМОЛОВА, Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА, Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар: 71-260-36-50, Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-562
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 34 345 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй.